

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**ҚАЮМОВ ОЛИМ САДИРИДДИНОВИЧ**

**ЎЗБЕК ШОМОН МАРОСИМ ФОЛЬКЛОРИ**  
(спецификаси, генезиси, жанрлар таркиби ва поэтикаси )

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

УЎК: 821.512.133-2'06:398.2(043.3)

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) филологическим  
наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of ((DSc) philological sciences**

**Қаюмов Олим Садириддинович**

Ўзбек шомон маросим фольклори (спецификаси, генезиси, жанрлар таркиби  
ва поэтикаси).....5

**Каюмов Олим Садириддинович**

Узбекская шаманская обрядовая фольклор(специфика, генезис, жанровы  
состав и поэтика) .....30

**Kayumov Olim Sadiriddinivich**

Uzbek shamanistic ritual folklore (specificity, genesis, genre composition and  
poetics).....57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

Lits of published works.....61

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.30.08.2018.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**ҚАЮМОВ ОЛИМ САДИРИДДИОВИЧ**

**ЎЗБЕК ШОМОН МАРОСИМ ФОЛЬКЛОРИ**  
(спецификаси, генезиси, жанрлар таркиби ва поэтикаси )

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Тошкент – 2020**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.DSc/Fil125 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tai.uz](http://www.tai.uz).) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Жўраев Маматқул,**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ўраева Дармон Саидахмедовна**

филология фанлари доктори, профессор

**Жуманазаров Умрзоқ**

филология фанлари доктори, профессор

**Ёрматов Исомиддин**

филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат

ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил:100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил 100100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди. (2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси)

**Б.Тўхлиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари,  
ф.ф.д, профессор

**Л.Худайқулова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, ф.ф.н.

**Ш.Турдимов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, ф.ф.д.

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигида халқ оғзаки ижоди асарларининг ритуал вербаль матн сифатидаги моҳиятини функционал-семантик жиҳатдан таҳлил қилиш орқали маросим фольклори жанрларининг мифопоэтик асослари ҳамда маънавий қадриятлар тизимининг шаклланишини таъминлаган архетипик бирликлар генезисини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фольклор назариясига доир илмий қарашларнинг замонавий маданий антропология даражасига кўтарилиши натижасида халқ ижодининг таркибий қисми ҳисобланган маросим лирикаси поэтик тафаккурнинг сўз санъати воситасида ифодаланган кўпфункционали ва кўпқиррали бадиий матнлар тизимидан иборатлиги ҳақидаги янги концепция шаклланди. Бу эса туркий халқлар маросим фольклори, жумладан, ўзбек халқ оғзаки ижодидаги сўз магияси билан алоқадор фольклор асарларини ўзликни ифода қилишнинг оғзаки шаклларида бири сифатида ҳар томонлама чуқур ўрганиб, бу бадиий матнлар қадимги эътиқодий қарашлар ва шомонийлик ритуаллари билан бевосита боғлиқ ҳолда шаклланганлигини асослаш имконини беради.

Дунё фольклоршунослигида бадиий маданиятнинг энг қадимги мифопоэтик тасаввурлар билан боғлиқ архетиплар тизимини аниқлаш ва уларнинг поэтик тафаккур ривожига тутган ўрнини белгилашга доир янги илмий хулосалари шомонийлик эътиқоди билан боғлиқ маросим кўшиқлари архаик фольклорнинг таркибий қисми эканлигини кўрсатди. Муайян ҳаётий-маиший эҳтиёж мавжудлиги туфайли тарихий-фольклорий жараёнда сақланиб келаётган сўз магияси билан боғлиқ фольклор асарларини поэтик матн намунаси сифатида филологик жиҳатдан таҳлил қилиш натижасида шомон маросимлари фольклорининг бадиий сўз, ритуал моҳият касб этувчи хатти-ҳаракатлар ва мусиқий-драматик композициядан иборат мураккаб синкретик этнофольклорий ҳодиса сифатидаги моҳияти ойдинлаштирилди. Айниқса, халқ оғзаки ижодининг қадимий қатламига мансуб шомон маросим фольклорини семиотика, руҳий-таҳлил ва бадиий матн назарияси аспектида таҳлил қилиш туфайли сўзнинг бадиий матндаги мифопоэтик функциялари ҳамда рамзий-ритуал талқинлари аниқланди. Ана шундай янги изланишларнинг натижалари ўзбек шомон маросим фольклорини сўз санъатининг сакрал моҳият касб этувчи ўзига хос намуналари сифатидаги хоссаларини белгилаш ҳамда шомонийлик анъаналарининг бадиий тафаккур тараққиётига кўрсатган таъсирини ойдинлаштиришга асос бўлди.

Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида тараққиёт сари дадил одимлаётган мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар барча соҳаларда бўлгани каби фольклоршуносликда ҳам янги тадқиқот объектларига мурожаат қилиш, илгари деярли таҳлилга тортилмаган ёки кам ўрганилган номоддий маданий меросимиз намуналарига холисона илмий баҳо бериш учун имкониятлар эшигини очмоқда. Айниқса, халқ бадиий тафаккурининг қадимий қатламини ташкил этувчи мифология, рамзий-

ритуал моҳият архаик матнлар, сўз магияси билан боғлиқ фольклор жанрларига оид материалларни кечиктирмай тўплаб, тадқиқ этиш фольклоршуносликнинг асосий вазифалардан бирига айланди. Чунки турлитуман урф-одат ва маросимлар билан бевосита алоқадор бўлган фольклор асарлари халқимиз маънавий-маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Бу каби маънавий мерос орқали аждодларимиз ўз фарзандларини отабоболарига ҳурмат, табиат ва атроф-муҳитни эъзозлаш руҳида тарбиялаб, Ватан ва Она заминни муқаддас санаш, қалбан ва руҳан пок бўлишни ўргатишган. Зеро, “миллий маънавий ўзликка эга бўлиш, маданий меросни ўзлаштириш учун кураш ялпи ижтимоий ҳаракат”<sup>1</sup> бўлиб, халқимиз маънавий истиқболида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2010 йил 7 октябрдаги VMQ №222-сон «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги 304-сон «Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги, 2019 йил 14 майдаги 4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги” қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йуллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. – 8 февраль. – № 28 (6722).

## Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.

Жаҳон халқлари фольклорининг архаик қатламига мансуб жанрлар тизимининг ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва поэтикаси, шомон маросим фольклорининг тарихий асослари, жанрий таркиби, тадрижий ривож ва поэтик тафаккур тараққиётида тутган ўрнини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Chicago, University of California, University of Harvard (USA); University Boon (Germany); University of Oslo (Norwegian); University of Vienna (Austria); Academy of Korean Studies Grant (Корея Республикаси), Ege Universitesi (Туркия), Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Мўғулшунослик, буддалогия ва тибетология институти, С.С. Суразакова номидаги Олтойшунослик институти, Қозон давлат университети (Россия федерацияси); Baki Dövlət universiteti (Озарбайжон); Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), шунингдек, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон фольклоршунослигида шомон маросим фольклорининг спецификаси, поэтик тафаккурга таъсири, шомон мифологиясининг образлар тизими ва вербаль компонентлар бадииятини этнофольклористик йўналишда ўрганишга доир янги тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, Сибирь, Узоқ Шарқ ва Шимолий Америка туб аҳолиси шомон маросими фольклорининг ҳудудий-локал хусусиятлари ва рамзий-ритуал образларнинг бадиий матндаги мифопоэтик вазифалари ойдинлаштирилган University of Chicago, USA; Ege Universitesi, Туркия); туркий халқлар шомон маросимлари фольклорининг шаклланиш тарихи ва бадиий эволюцияси босқичлари аниқланган (Мўғулшунослик, буддалогия ва тибетология институти, Россия федерацияси); шомон ва бахши ижрочилигининг тарихий-генетик илдизлари муштараклиги аниқланиб, бахшичиликнинг архаик типи синкретик табиат касб этганлиги асосланган (Academy of Korean Studies Grant, Корея Республикаси); шомон мифологияси туркий халқлар қаҳрамонлик эпосининг образлар таркиби ҳамда сюжет тизими шаклланишига таъсир кўрсатганлиги далилланган (Бонн университети, Германия); шомон кўшиклари турли миллатлар бадиий аънавалари ва маданий алоқаларини ўзида акс эттирган номоддий маданий мерос намунаси эканлиги тасдиқланган (University of California; Indian University of Blomington, USA); шомон маросим фольклори поэтикаси, таркибининг таснифи, бадиий структураси ва тил хусусиятлари очиб берилган (Baki Dövlət Universiteti, Озарбайжон; Москва давлат университети, Россия федерацияси); шомонийлик эътиқоди билан боғлиқ мифик тасаввурлар генезиси, шомон ва эпик куйчи типи, эпос ва этнос

---

<sup>1</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар шарҳи <https://www.publishersweekly.com/pw/by-topic/industry-news/tip-sheet/article/> <https://warwick.ac.uk/fac/arts/english/currentstudents/undergraduate/modules/fulllist/special/> <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-razvitiya-i>, <https://www.ras.ru>; [www-old.sbras.ru](http://www-old.sbras.ru) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

масалалари ойдинлаштирилган (Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти).

Дунё фольклоршунослигида шомон маросим фольклорини ўрганиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: шомон маросим фольклорининг спецификаси, генезиси ва поэтикасини тадқиқ этиш орқали сўз магияси табиатини ойдинлаштириш; шомон мифологиясининг тарихий асосларини ёритиш орқали эпик образларнинг шаклланишига асос бўлган архетипларни аниқлаш ва уларнинг тадрижий ривожини қонуниятларини очиш; шомон фольклори материалларини семиотик аспектда тадқиқ этиш натижасида рамзий-ритуал моҳият касб этувчи лексик бирликларнинг бадиий матндаги семантик функцияларини асослаш; туркий халқлар архаик фольклоридаги шомон афсоналарининг эпик тафаккур тарихида тутган ўрнини белгилаш; маросим кўшиқларининг худудий-локал фарқларини ойдинлаштириш орқали фольклор анъаналарининг миллий хусусиятларини белгилаб бериш ва ҳ.к.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Маълумки, шомон маросим фольклорини монографик жиҳатдан алоҳида тадқиқ этиш жаҳон илм-фанининг долзарб илмий йўналишларидан бири бўлиб, ҳозирга қадар бу муаммо талқинига доир кўплаб илмий тадқиқотлар яратилган.

Жаҳон фольклоршунослигида М.Элиаде, В.М.Жирмунский, Е.С.Новик, Т.Д.Булгакова, О.Б.Варламов, В.Л.Кляус, Л.С.Дампилова, С.А.Подузова, А.М.Сагалаев, Е.Н.Дувакинлар ўрол-олтой тиллари оиласига мансуб этносларнинг шомон маросим фольклорини ритуал ва мифопоэтик матн сифатида тадқиқ этдилар.<sup>1</sup> Туркий халқлар шомон маросимларининг ўзига хослиги, мифопоэтик тизимда тутган ўрни, шомон айтимлари бадиияти каби масалалар Баҳауддин Ўгал<sup>2</sup>, А.Инон<sup>3</sup>, Ч.Валиханов<sup>4</sup>, К.Байбосинов, Р.Мустафиналар<sup>5</sup> томонидан ўрганилди. Қайд этиб ўтилган тадқиқотчилар асосан шомон афсоналари ва шомон чорловлари таҳлилига доир изланишлар олиб боришдилар.

Ўзбек фольклоршунослигида шомон маросим фольклорини тўплаш ва ўрганиш борасида муайян ишлар бажарилган. Жумладан, XI асрнинг машхур

---

<sup>1</sup> Элиаде М. Аспекты мифа / Пер. с фр. В.П. Большакова. 4-е изд. – М.: Академический Проект, 2010; Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос // Избранные труды. – Л.: Наука, 1974; Новик Е.С. Обряд и фольклор в Сибирском шаманизме. – М., 1984. – С.237. Булгакова Т.Д. Эпили – шаманский жанр музыкального нанайского фольклора // *Artes populares*. 14. – Вр., 1985. – С.205–227; Варламов О.Б. Шаманизм западных бурят. Легенды и обряды. – Иркутск: ПФ "Улисс", 1995; Кляус В.Л. Легенды и рассказы о шаманах эвенков Забайкалья // *Народы Забайкалья: возрождение и развитие*. – Чита, 1997. – С.45–48. Дампилова Л. С. Шаманские песнопения бурят: символика и поэтика. – Улан-Удэ, 2005; Подузова С.А., Сагалаев А.М. Из истории шаманства на Алтае // *Известия Сибирского отделения АН СССР. Серия общ. наук*. 1983. – №6. – Вып.2. – С.111–114; Дувакин Е.Н. Шаманские легенды народов Сибири: сюжетно-мотивный состав и ареальное распределение: Дисс.канд фил.наук. – М., 2011.

<sup>2</sup> Ögel V. *Türk Mitolojisi*. C.I. Millî Eğitim Bakanlığı Yayınları. İkinci Baskı. – Ankara, 1971. –S.9.

<sup>3</sup> İnan Abdülkadir. *Şamanizm: tarihte ve bugün*. Materyaller ve araştırmalar. III.Baskı. Türk tarih kurumu basım evi. – Ankara, 1986.

<sup>4</sup> Валиханов Ч. Следы шаманства у киргизов // Валиханов Ч. Избранные сочинения. Т.1. – Алмата, 1986.

<sup>5</sup> Байбосынов К., Мустафина Р. Новые сведения о казахских шаманках // *Новое в этнографии*. Вып.1. – М., 1989. – С.70–79.



тилшуноси Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида “шомон” маъносидаги “кам” сўзи иштирокидаги “кам арваш арвади”, яъни “шомон авраш воситасида даволади” бирикмаси келтирилган.<sup>1</sup> “Самарқанд вилояти маълумотномалари китоби”нинг 1894 йилги нашрида Л.Симонова (Хохрякова)нинг самарқандлик фолбинларнинг “чорчироқ” маросими ҳақидаги мақоласи босилган.<sup>2</sup> Россия ФА Антропология ва Этнография институти томонидан XX асрнинг 20-йилларида Туркистон ўлкаси бўйлаб ўтказган экспедицияларида қатнашган А.Л.Троицкая ўзбекларнинг “кўчирик” маросими кўшиғини таҳлил қилган.<sup>3</sup> Ўзбекистон давлат илмий-текшириш институтининг 1930 йилги Хоразм экспедициясида қатнашган Л.П.Потапов хоразмлик порхонлар, яъни шомонларнинг маросим айтимларини ёзиб олган, Бу материаллар 1995 йилда Я.Таубе томонидан нашр этилган.<sup>4</sup> Ўзбек фольклоридаги шомонийлик билан алоқадор асарлар илк бор М.Алавия томонидан тўпланган бўлиб, у ёзиб олган бадик ҳамда чироқчилик Аширой Рўзиевадан ёзиб олинган “кўчирик” маросими айтимлари ўзбек шомон маросими фольклорини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.<sup>5</sup>

Б.Саримсоқов ўзбек маросим фольклорини тадқиқ этар экан, сўз магияси билан боғлиқ маросимлар фольклорини алоҳида тип сифатида ўрганиб, кинна, бадик каби жанрларнинг ўзига хослиги ва поэтик қурилиши ҳақида жиддий илмий қарашларни илгари сурган.<sup>6</sup> А.Мусақулов ўзбек халқ лирикасидаги шомонлик эътиқоди излари, хусусан, кўшиқлардаги шомонлик рудиментларининг бадиий ифодасини ўрганган.<sup>7</sup> Ўзбек фольклоридаги афсун, авраш каби шомон фольклори жанрлари илк бор С.Мирзаева тарафидан ўрганилган бўлса,<sup>8</sup> Д.Ўраева Зарафшон воҳаси ўзбекларининг кинна ва гулафшон айтимларини тўплаб ўрганган.<sup>9</sup> Фольклоршунос олимлар М.Жўраев ва О.Ингкёнг қадимги шомон мифологияси ва эпик мотивлар генезиси, шомон ва эпик куйчи ижрочиличининг муштарак негизларини

---

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. 1-том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б.280.

<sup>2</sup> Симонова (Хохрякова) Л. Чародейство, гадание и лечение сартянок в Самарканде // Справочная книжка Самаркандской области 1894 года. – Самарканд, 1894. – С.90–122.

<sup>3</sup> Троицкая А.Л. Лечение больных изгнанием злых духов (кучурук) среди оседлого населения Туркестана // Бюллетень САГУ. – Ташкент, 1925. – Вып.10. – С.145–156

<sup>4</sup> Leonid Pavlovič Potapovs Materialien zur Kultergeschichte der Uzbeken aus den jahren 1928-1930. Mit begleitenden Worten des Sammlers herausgegeben und eingeleitet von Jakob Taube // Turcologica. – Wiesbaden, 1995. – p.197–205.

<sup>5</sup> Бу ҳақда қаранг: Жўраев М. Музайяна Алавия ёзиб олган бадик // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 4-китоб. – Тошкент: Фан, 2011. – Б.113–118; ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1129.

<sup>6</sup> Саримсоқов Б. Бадик ўзбек маросим фольклорининг мустақил жанри сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1982. – №4. – Б.21–28; Шу муаллиф. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – Б.139–211.

<sup>7</sup> Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси: Тарихий асослари ва бадиияти – Тошкент: Фан, 1995; Шу муаллиф. Шомонизм ва кўшиқ // Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.91–104.

<sup>8</sup> Мирзаева С. Ўзбек халқ афсун-дуолари фольклор жанри сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1992. – 2-сон. – Б.31–34; Шу муаллиф. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. – Тошкент: Истиклол, 2006.

<sup>9</sup> Ўраева Д. Кинна айтимларининг поэтикасига доир // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2010.

тадқиқ этишган.<sup>1</sup> Шунингдек, Л.Худойқулованинг ишларида<sup>2</sup> ҳам шомон айтимлари таҳлилига доир айрим мулоҳазалар баён этилган.

Бундан ташқари, Россия ФА Этнология институтининг 1954–1961 йилларда ўтказилган Хоразм этнографик экспедициясига бошчилик қилган Г.П.Снесаревнинг тадқиқотларида хоразмликларнинг исломдан аввалги эътиқод ва маросимлари, жумладан, “алас”, “суқ чиқариш”, “чорсув”, “чилла кесиш”, “фол очиш”, “порхонлик”, “кўчирма” маросими айтимлари таҳлил қилинган.<sup>3</sup> Ўзбек шомон маросимларининг ўзига хос хусусиятлари, тарихий асослари ва синкретик табиатини ўрганган В.Н.Басилов мусулмон авлиёлари култида исломдан аввалги эътиқодларнинг изларини чуқур тадқиқ этган.<sup>4</sup> О.Муродов Зарафшон воҳасидан ёзиб олинган ўзбек тилидаги “қайтарма” маросими айтимини эълон қилган.<sup>5</sup> Чимкент вилоятининг Сайрам туманидаги Қорамурт қишлоғидан тўпланган шомон маросими айтимлари эса К.Тайжанов ва Ҳ.Исмоилов тарафидан таҳлилга тортилган.<sup>6</sup> Шунингдек, этнолог олим А.Ашировнинг Фарғона водийси аҳолисининг исломдан аввалги эътиқодий қарашлари тизимида шомонизмнинг ўрнига доир илмий тадқиқотлари,<sup>7</sup> Б.Р.Холмуродовнинг “қўл олиш”, “алас”, “кўчурук” маросимлари билан алоқадор дала материаллари таҳлилига доир ишлари<sup>8</sup> муҳим аҳамиятга эга.

Бинобарин, ўзбек шомон маросим фольклори, жумладан, сўз сеҳри билан боғлиқ маросим кўшиқлари ва айтимлари ўзбеклар яшайдиган барча ҳудудлар бўйича тизимли равишда тўплаб, тадқиқ этилмаган. Бу эса ўзбек шомон маросими фольклорига доир материалларни изчил тўплаш, унинг жанрлар таркибини аниқлаш ва тасниф қилиш, шомонийлик амалиёти билан боғлиқ халқ қарашларини ўрганиш, шомон мифологиясининг генетик

---

<sup>1</sup> Жўраев М., Ингён О. Қадимги шомон мифологияси ва эпик мотивлар генезиси // Илм сарчашмалари. – Урганч. – 2013. – 8-сон. – 45–51; Шу муаллифлар. Tarihi Genetik Ortaklik Ve Senkretik (Bağdaştırmacı) Sanat Yaklaşımları Bağlamında şaman Ve Epik Kuycı [Ozan] // Folklor / Edebiyat. – Ankara, 2013. – Vol.76. – №4. – S.63–76; Шу муаллифлар. Influence of Shamanism in Turkic Heroic Legend and Introduction for Korean Epic Tradition // Milli Folklor. – Ankara, 2017. – Yil 29. – Sayı 114. – p.5–15.

<sup>2</sup> Худойқулова Л. Сурхондарё халқ кўшиқлари: филол. фанлари номз. дисс. – Тошкент, 2011. – Б.15–37; Шу муаллиф. Культ «момо» и связанные с ним обряды в узбекском фольклоре // Этнографическое обозрение. – М., 2011. – №2. – С.44–45.

<sup>3</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С.23–72.

<sup>4</sup> Басилов В.Н. Исламизированное шаманство народов Средней Азии и Казахстана. АДД. – М., 1991; Шу муаллиф. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1992; Яна ўша. Символика суфизма и народные верования (дополнения к статье К.Меликовой) // ЭО. – 1994. – №6.

<sup>5</sup> Муродов О. Шаманский обрядовый фольклор у таджиков долины Зарафшан // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М., 1974. – С.91–122.

<sup>6</sup> Тайджанов К., Исмаилов Х. Особенности домусульманских верований у узбеков-карамуртов // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. – М., 1986. – С.110–138.

<sup>7</sup> Аширов А. Следы шаманских верований в жизненном укладе узбеков Ферганской долины // Вестник Каракалпакского отделения АН РУз. – Нукус, 2004. – №3-4. – С.31–37; Яна ўша. Туркий халқлар дунёқарашида шомонлик эътиқоди // Зарафшон воҳаси ва унинг тарихдаги ўрни. – Самарқанд, 2001. – Б.109–111; Яна ўша. Фарғона водийси ўзбекларининг турмуш тарзида шомонлик эътиқоди излари // Фольклоршунослик. – Навоий, 2003. – Б.33–48.

<sup>8</sup> Халмурадов Б.Р. Остатки шаманства в традиционном образе жизни узбекского народа (на примере Ферганской долины) // Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. – Курск, 2013. – №2: Яна ўша. “Кўчирик” маросими хусусида айрим мулоҳазалар // Ўзбек халқининг миллий фольклор санъати ва этномаданий кадриятлари. – Тошкент: Наврўз, 2013. – Б.111–115.

илдизларини ёритиш, шомон маросими поэтик фольклорининг бадиий хусусиятларини чуқур тадқиқ этишни тақазо этади.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида амалга оширилаётган ОТ-Ф1-76 “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жылдигини нашрга тайёрлаш ва уни текстологик ўрганиш масалалари (36–65-жилдлар)” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек шомон маросим фольклорининг ўзига хос хусусиятлари, жанрлар таркибининг тарихий асослари ва туркий халқлар маросим кўшиқлари контекстида тутган ўрнини аниқлаш, шомон мифологиясининг генезиси ва эволюцияси жараёнларини ёритиш ҳамда шомон айтимларининг поэтикасини тадқиқ этишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

шомон маросимлари фольклорининг туркий ва ўзбек фольклоршунослигида ўрганилиши тарихини ёритиш;

ўзбек шомон маросим фольклорининг ўзига хос хусусиятлари ва худудий-локал белгиларини аниқлаш;

сўз сеҳри билан боғлиқ маросим кўшиқларининг генезиси ва мифопоэтик асосларини ойдинлаштириш;

шомон мифологиясининг тарихий асослари, ўзига хос табиати ва образлар тизимини тадқиқ этиш;

шомон маросим фольклорининг жанрлар таркибини тавсифлаш, тасниф қилиш ва ҳар бир жанрнинг ўзига хос поэтик табиатини муайянлаштириш;

ўзбек шомон маросим фольклорининг локал хусусиятлари ва ўзининг жонли ижро ҳолатини сақлаб келишининг сабабларини кўрсатиб бериш;

ўзбек шомон маросим фольклорининг бадиий хусусиятларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида сақланаётган манбалар ҳамда диссертантнинг 1996–2020 йиллар давомида Навоий ва Самарқанд вилоятлари бўйлаб ўтказган фольклор экспедицияларида тўпланган “дала ёзувлари” белгиланди. Шунингдек, нашр этилган турли манбаларда оммалаштирилган шомон фольклори намуналари ҳамда ўзбек халқ дostonлари, эртаклари, халқ лирикаси ва оғзаки насридаги сўз магиясига алоқадор материаллардан ҳам фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек шомон маросим фольклорининг спецификаси, сўз магиясига асосланган фольклор жанрларининг назарий табиати, шомонийлик эътиқодини акс эттирган мифологик қарашлар генезиси, ўзбек шомон маросим фольклорининг жанрлар таркиби ва бадиияти ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ушбу диссертацияни ёзишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, этнофольклористик, рухий таҳлил ва бадиий-эстетик таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

Сармишсой дарасидаги петроглифларни палеофольклористик метод асосида таҳлил қилиш натижасида ўзбек шомон маросим фольклорининг тарихий-генетик асослари тош асрида яшаган қадимги одамларнинг аждодлар култига сиғиниш билан алоқадор анимистик тасаввурларига бориб тақалиши исботланган;

сўз магияси билан боғлиқ ўзбек фольклори асарларини Сибирь ва тоғли Олтойда яшовчи туркий қавмлар оғзаки ижоди материаллари билан қиёсий таҳлил қилиш асносида ўзбек тилидаги сакрал моҳият касб этувчи лисоний бирликлар ўрол-олтой тиллари оиласига мансуб халқлар тилидаги шомонистик атамалар билан типологик муштаракликка эгалиги асосланган;

ҳозирги тарихий-фольклорий жараёнда ўзбек шомон маросими айтимлари ва шомон мифологияси ўзининг жонли ижро ҳолатини сақлаб келаётганлиги қадимги давр фольклори архетипларининг бардавомлиги ва фольклор жанрларининг ҳаётий-маиший функциялари билан алоқадорлиги далилланган;

ўзбек мифологиясидаги образлар тизимининг шаклланиши ва тарихий-тадрижий тараққиёти босқичлари қадимги туркийларнинг шомонистик тасаввурлари, Ўрта Осиё туб этносининг маҳаллий эътиқодий қарашлари (жумладан, зардуштийлик) ҳамда ислом дини таъсирида кириб келган ўзлашма асотирий қатламни ўз ичига олиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

шомонийлик билан боғлиқ мифологик тасаввурлар ва эътиқодий қарашларнинг халқ оғзаки бадиий ижоди тараққиётига кўрсатган таъсири ва маросим фольклори жанрлари тизимида тутган ўрни белгиланган;

сўз магияси билан боғлиқ маросим айтимлари ва кўшиқларининг фольклор жанри сифатидаги ўзига хос хусусиятлари илмий жиҳатдан асосланган;

ўзбек шомон маросими фольклорининг жанрлар таркиби аниқланиб, уларнинг ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослигининг энг янги илмий-назарий концепциялари асосидаги таснифи яратилган;

шомон маросими фольклорининг тарихий илдизлари, шомонийлик билан боғлиқ мифологик мотивлар ва сюжетларнинг генезиси ойдинлаштирилиб, ҳомий образи типининг келиб чиқиши қадимги аждодларимизнинг ота-боболар култи билан алоқадор анимистик қарашлари негизида шаклланганлиги исботланган;

шомон афсоналари, чорловлари, кўчирик, гулафшон, кинна, бадик, узук каби маросим фольклори жанрларининг ўзига хос ижро усули, поэтик контексти ва бадиий хусусиятлари кўрсатиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар, унда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли илмий манбалардан олинганлиги, таҳлиллар шахсан диссертант томонидан тўпланган фольклор экспедицияси материаллари асосида чиқарилган хулосаларнинг ҳозирги ўзбек шомон маросим фольклори материаллари, тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, этнофольклористик, палеофольклористик методлар асосида таҳлил қилиш муаммолари жаҳон

фольклоршунослигининг энг янги илмий концепциялари ва назарий карашларига таяниб ҳал этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, чиқарилган назарий хулосалар туркий халқлар шомон маросим фольклорини қиёсий-типологик жиҳатдан кенг кўламда монографик тадқиқ қилишда муҳим илмий аҳамият касб этиши билан белгиланади. Ўзбек шомон маросим фольклорининг спецификаси, генезиси, жанрлар таркиби ва поэтикасини тадқиқ этишга бағишланган ушбу диссертация иши ўзбек шомон маросим фольклорининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга ҳам хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўзбек шомон маросим фольклори тадқиқига доир материаллардан ўзбек мифологияси муаммоларини ўрганишда, олий ўқув юртларида “Ўзбек мифологияси” ва “Ўзбек фольклори” фанлари бўйича маърузалар ўқишда, “Ўзбек шомон маросим фольклори” мавзусида махсус курслар ўтишда, академик лицей ва умумтаълим мактабларида дарс машғулоти олиб боришда, ўқув қўлланмалар, дарслик, мифологик луғат ва ўзбек фольклорига доир мажмуалар яратишда, шунингдек ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди асарларининг оммавий ва илмий-академик нашрларини тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек шомон маросим фольклорининг ўзига хос хусусиятлари, генезиси ва поэтикасини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбек шомон маросим фольклорининг ўзига хос хусусиятлари, генезиси, жанрлар таркиби, образлар тизими ва бадииятини тадқиқ этиш асосида чиқарилган илмий-назарий хулосаларидан Навоий давлат педагогика институтида 2008–2010 йилларда бажарилган “Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари” мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 октябрдаги 89-03-3894-сон маълумотномаси). Натижада маросим фольклорининг ёш авлод тарбиясидаги тарбиявий аҳамияти асосланган ҳамда халқ ижоди материалларидан маънавий-маърифий соҳада фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга эришилган;

диссертациянинг ўзбек шомон мифологиясининг генезиси ва эпик тафаккур тадрижида тутган ўрни масаласини ўрганиш асосида олинган натижаларидан Навоий давлат педагогика институтида 2012–2016 йилларда олиб борилган Ф1-ХТ-0-19919 рақамли “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур таракқиётида тутган ўрни” мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқотни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 октябрдаги 89-03-3894-сон маълумотномаси). Натижада фольклор анъаналари орқали етиб келган қадимги миф ва мифологик образларнинг ўзбек адабиёти поэтикасини бойитишдаги ўрнини таҳлил қилиш асосида мифопоэтик тафаккурнинг шаклланиш босқичлари ойдинлаштирилган;

диссертациянинг шомон маросими фольклорининг типологик хусусиятлари ҳамда ўрол-олтой тиллари оиласига мансуб этносларнинг қадимги архетиплари билан муштарак жиҳатларга эғалиги ҳақидаги илмий хулосаларидан Бухоро давлат университетида 2012–2016 йилларда бажарилган Ф-1-06 “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Фарб адабий анъаналари синтези” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 октябрдаги 89-03-3894-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек ва туркий халқлар фольклор анъаналарининг тарихий-генетик жиҳатдан яқинлиги ва ўзаро яқин алоқадорликда ривожланиб келганлиги аниқланган.

Тадқиқотчининг ўзбек маросим фольклори асарларини ёзиб олиш ва таҳлил қилиш методларини такомиллаштиришга оид қарашларидан Навоий вилояти Маданият бошқармасининг номоддий маданий мерос объектларини аниқлаш, халқ оғзаки ижоди намуналарининг ижрочилари рўйхатини шакллантириш ва улардан маросим фольклори намуналарини ёзиб олиш билан боғлиқ амалий фаолиятида фойдаланган (Ўзбекистон Республикаси Навоий вилояти Маданият бошқармасининг 2020 йил 8 июндаги 01-28/281 рақамли маълумотномаси). Натижада номоддий маданий мерос объектларининг маҳаллий ва республика аҳамиятига молик рўйхатларини шакллантириш, фольклор асарларини жанрий табиатидан келиб чиқиб архивлаштириш ва фольклор-этнографик жамоалари репертуарини саҳналантириш методикаси такомиллаштирилган;

диссертантнинг ўзбек шомон маросими фольклорининг тарихий-генетик асослари ва шомон мифологияси таҳлилига доир материалларидан Навоий вилояти тарих ва маданияти музейининг экспонатлар залини шомон магия анжомлари ва кийимлари билан жиҳозлашда, шунингдек, Сармишсой очик осмон остидаги музей кўриқхонасига ташриф буюрган сайёҳларга қоятош суратлари моҳияти ва маъносини тушунтиришда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Навоий вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг 2020 йил 8 июндаги 01-1/60 рақамли маълумотномаси). Натижада халқимизнинг қадимий мифологик тасаввурлари акс этган осори-атикалар моҳияти ҳақида кенг кўламли тушунча бериш имкониятлари кенгайтирилган;

тадқиқотчининг ўзбек маросим фольклорининг миллий қадрият сифатидаги аҳамияти ва номоддий маданий меросни муҳофаза қилишга оид илмий қарашларидан Ўзбекистон Республикаси Навоий вилояти телерадиокомпанияси “Қадрият” рукни остида телекўрсатувлари, вилоят радиосининг “Момо мерос қадриятлар” туркум эшиттиришлари, “Наврўз” умумхалқ байрами муносабати билан тайёрланган туркум кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларини тайёрлашда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадио компанияси Навоий вилояти телерадио компаниясининг 2020 йил 10 июндаги 01-04/69 рақамли маълумотномаси). Натижада халқимиз бадий тафаккурининг кўп асрлик қадриятлари тизимининг ёш авлод маънавий камолотидаги тутган муҳим ўрни ва аҳамияти хусусидаги янги маълумотлар кенг томошабинлар оммасига етказилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 33 та илмий иш нашр қилинган бўлиб, шулардан, 1 монография, 3 та рисола ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 8 та, жумладан, хорижий журналда 3 та, республика журналларида 5 та мақола нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ҳажми 237 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Тадқиқотнинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, ўрганилиш даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифаси, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва эълон қилинганлиги, ишнинг таркиби қисмлари бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ўзбек шомон маросим фольклорининг спецификаси”** номли биринчи бобининг илк фасли **“Шомон маросим фольклорининг ўрганилиши тарихи”** масаласига бағишланган.

Туркий халқларнинг шомонийлик билан боғлиқ маросим фольклорига оид илк маълумот Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида келтирилган бўлиб, “қам”лар ёмғир ва шамолни чақириш маросимини ўтказгани қайд этилган.<sup>1</sup> Бу тип халқ ижоди материалларини илмий асосда тўплаш ва ўрганиш ишлари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Бу борадаги дастлабки тадқиқотлар, жумладан, Ўрта Осиё бўйлаб сафар қилган А.И.Левшицнинг бахшининг даволаш сеансига доир этнографик қайдномаси (1832 йил), А.Новолинейцнинг бахшининг қамлаш маросимига оид кузатувлари (1848 йил), П.И.Небольцин томонидан ёзиб олинган беморни даволаш жараёнидаги ижро этилган айтимлар (1852 йил), 1870 йилда В.В.Радлов ёзиб олган қозоқ бахшисининг чорлови ҳамда А.Диваев тарафидан бахшичилик маросими кўшиқларининг чоп этилганлиги муҳим илмий аҳамиятга эга.<sup>2</sup> XX асрнинг 20-йилларида Тошкентда фаолият юритган рус этнографлари шомон маросимлари ва шомонийликни ўрганишга алоҳида эътибор қаратдилар. Хусусан, шарқий туркистонликларнинг

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. Уч томлик. 2-том – Тошкент: Фан, 1963. –Б.410; 3-том. – Б.158–172.

<sup>2</sup> Басилов В.Н. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1992. – С.30–35.

шомонийлик эътиқоди билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борган С.Е.Малов уйғурларнинг шомонийлик қарашларига алоқадор тадқиқот яратиб, *қам, илчи* деб аталувчи шомонларнинг чорловлари ва маросим айтимларини тўплади.<sup>1</sup> М.С.Андреев Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек шомонларининг мифологик ҳомийларидан саналган чилтонлар билан боғлиқ тасаввурларини тадқиқ этди.<sup>2</sup> А.Л.Троицкая Туркистон аҳолисида кўчириқ маросими, бола туғилиши, киндик кесиш, бешикка боғлаш ва чилла даври билан боғлиқ айтим-олқишларни тадқиқ этди.<sup>3</sup> 1930 йилги Хоразм фольклор экспедициясида қатнашган Л.П.Потапов хивалик Ёкут порхон, ғозовотлик Худоёр порхон Давлат ўғли ҳамда Ражаб порхон Собир ўғлидан сўз магияси билан боғлиқ маросим кўшиқлари ҳамда пир-ҳомийлар тўғрисидаги мифологик қарашларни тўплади.<sup>4</sup>

Кейинчалик туркий халқлар шомон маросимлари фольклорининг ўзига хослиги, жанрлар таркиби ва поэтикасига доир тадқиқотлар яратилди. В.Н.Басилов, Л.П.Потапов, Н.П.Диренкова, Г.П.Снесарев, О.Муродов, К.Тайжанов, Ҳ.Исмоилов, А.Аширов, Б.Холмуродов ишларида шомонийлик билан боғлиқ ритуаллар ва бошқа эътиқодий қарашлар таҳлил қилинди.<sup>5</sup>

Таниқли фольклоршунос В.М.Жирмунский ўзининг эпик куйчиларга ижрочилик икдорининг берилиши ҳақидаги мақоласида бахшичиликнинг генетик асослари шомонийлик билан боғлиқлигини қайд этган эди.<sup>6</sup> “Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси” китобида эпос ва шомонийлик муносабатларига ҳам тўхталган.<sup>7</sup> М.Алавия Оҳангароннинг Нишбош қишлоғида истиқомат қилувчи Қорабош Туяқовдан сўз магияси билан боғлиқ бадик жанрига оид матнни<sup>8</sup>, 1957 йилги Қашқадарё фольклор экспедициясида чироқчилик Аширой бахши Рўзиевадан *кўчириқ* маросими айтимини ёзиб олган.<sup>9</sup> Ўзбек маросим фольклорини тасниф қилган Б.Саримсоқов сўз магияси билан

---

<sup>1</sup> Малов С.Е. Шаманство у сартов Восточного Туркестана // <http://www.kunstkamera.ru>.

<sup>2</sup> Андреев М.С. Чилтаны в средне-азиатских верованиях // В.В.Бартольд. – Ташкент, 1927. – С.334–348.

<sup>3</sup> Троицкая А.Л. Лечение больных изгнанием злых духов (кучурук) среди оседлого населения Туркестана // Бюллетень Среднеазиатского Госуниверситета. №10. – Ташкент, 1925. – С.145–156; Шу муаллиф. Первые сорок дней ребенка (чилля) среди оседлого населения Ташкента и Чимкентского уезда // В.В.Бартольд. – Ташкент, 1927. – С.349–360.

<sup>4</sup> Potapov L.P. Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbeken aus den Jahren 1928-1930 // Turcologica. – Wiesbaden, 1995. – p.11–245.

<sup>5</sup> Басилов В.Н. Исламизированное шаманство народов Средней Азии и Казахстана. АДД. – М., 1991; Шу муаллиф. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1992; Потапов Л.П. Алтайский шаманизм. – Л.: Наука, 1991. – 320 с.; Дыренкова Н.П. Материалы по шаманству у телеутов // Сборник музея антропологии и этнографии. Т. X. – М., 1949; Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969; Шу муаллиф. Под небом Хорезма. – М.: Мысль, 1970; Муродов О. Шаманский обрядовый фольклор у таджиков долины Зарафшан // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М., 1974. – С.91–122; Тайджанов К., Исмаилов Х. Особенности домусульманских верований у узбеков-карамуртов // Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. – М., 1986. – С.110–138; Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент, 2007. – 179 б.; Халмурадov Б.Р. Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида шомонлик эътиқоди: Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018.

<sup>6</sup> Жирмунский В.М. Легенда о призвании певца // Исследования по истории культуры народов Востока. – М.-Л., 1960. – С.185–195.

<sup>7</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Ҳ.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: Гослитиздат, 1947. с.520.

<sup>8</sup> ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№919.

<sup>9</sup> ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№9129.



боғлиқ маросимлар фольклорини алоҳида тип сифатида ажратиб, шомонийлик билан боғлиқ бадик, кинна айтимларини таҳлил қилган.<sup>1</sup> С.Мирзаева ўзбек халқ афсун-дуоларини монографик жиҳатдан ўрганган.<sup>2</sup> А.Мусақулов ўзбек халқ лирикасидаги кўз, соч билан боғлиқ поэтик образлар шомонийлик билан боғлиқлигини тадқиқ этган.<sup>3</sup> М.Жўраев ва Ингкёнг О эпик асарларни ижро этувчи бахшиларнинг архаик типи синкретик характерга эга бўлиб, шомон вазифасини ҳам бажарганлигини аниқлашган.<sup>4</sup> Сурхон воҳаси маросим кўшиқларини ўрганган Л.Худойқулованинг тадқиқотларида момолар култи ва у билан боғлиқ шомонийлик амалларини бажариш чоғида ижро этиладиган айтимлар таҳлилга тортилган.<sup>5</sup>

Ўзбек шомон маросими материалларини чоп этиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилган бўлиб, 2007 йилда чоп этилган “Ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди” хрестоматиясига кинна, бадик, олқиш, қарғиш каби жанрларидан намуналар киритилган.<sup>6</sup> Л.Потапов томонидан 1930 йилда Хоразм воҳасидан тўпланган порхон айтимлари ҳамда Оҳангарон туманидан М.Алавия ёзиб олган бадик намунаси М.Жўраев тарафидан оммалаштирилган.<sup>7</sup> Ш.Турдимов ўзининг “Ўзбек халқ кўшиқлари” мажмуасида иккита бадик жанрига мансуб мантни эълон қилган.<sup>8</sup>

Бобнинг иккинчи фасли “**Ўзбек шомон маросими фольклорининг ўзига хос табиати**” деб номланди.

Марказий Осиёда яшаган туркий қавмлар орасида қадимдан шомонлар энг эътиборли киши саналган. Байкал қояларидаги петроглифлар орасида ниқоб кийиб ритуал рақсга тушаётган эркак шомон тасвири мавжудлигига асосланган мутахассислар туркийларда шомонизмнинг пайдо бўлиши неолит ва палеолит давридан бошланган, деб ҳисоблашади.<sup>9</sup> А.П.Окладниковнинг фикрича, «шомонлик тасаввурлари мажмуи жуда қадимий илдизларга эга бўлиб, палеолит ғояларига бориб тақалади»<sup>10</sup>. Сармишсой қояларига ўрта палеолит даврида ўйиб туширилган петроглифлар орасида ҳам рамзий ўйинга тушаётган қадимги одамлар тасвири мавжудлиги боис, бу

---

<sup>1</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – Б.144; Шу муаллиф. Жанр «бадик» в обрядовом фольклоре узбеков // Советская этнография. 1986. № 4. – С.117–122.

<sup>2</sup> Мирзаева С. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1993.

<sup>3</sup> Мусақулов А. Халқ лирикасида кўз магиясига инончининг бадий ифодаси // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2010. – Б.146–154; Шу муаллиф. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010

<sup>4</sup> Жўраев М., Ингкёнг О. Қадимги шомон мифологияси ва эпик мотивлар генезиси // Илм сарчашмалари. Урганч, 2013. 8-сон. – Б.45–51.

<sup>5</sup> Худойқулова Л.А. Культ «момо» и связанные с ним обряды в узбекском фольклоре // Этнографическое обозрение. – М., 2011. №2. – С.44–55

<sup>6</sup> Ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди. Хрестоматия. – Тошкент, 2007.–Б.17–23.

<sup>7</sup> Жўраев М. Л.П.Потапов – фольклоршунос // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 3-китоб. – Тошкент, Фан, 2010.– Б.158–167; Шу муаллиф. Музайяна Алавия ёзиб олган бадик (нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи) // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 4-китоб. – Тошкент: Фан, 2011. – Б.152–156.

<sup>8</sup> Ўзбек халқ кўшиқлари. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва илмий изоҳлар муаллифи Ш.Турдимов.– Тошкент, Фан. 2020.

<sup>9</sup> Уткин К.Д. Якутский шаманизм в его древней первооснове // Истоки якутского шаманизма. – Якутск, 1994. – С. 11.

<sup>10</sup> Окладников А.П. Прошлое Якутии до соединения к Русскому государству. – Якутск, 1949. – С. 32.

петроглифни қадимги шомон маросимлари ифодаси, деб баҳолашга асос бўлади.

Ўзбек фольклорида бахши, қушночларнинг шомонлик касбини қўлга киритиши ва унга ҳомий кучлар тарафидан ғаройиб иқтидор бахш этилиши, яъни муайян шахснинг одамлар ва руҳлар олами ўртасидаги воситачига айланиши тўғрисида кўплаб ҳикоялар мавжуд. Шомоннинг кўзга кўринмас мифологик ҳомийлари билан мулоқоти, ғайб олами вакиллари иштирокида содир бўладиган ғайритабiiй воқеалар ҳақидаги фантастик ифодаларга бой бу типдаги оғзаки насрий асарлар “шомон афсоналари” деб юритилади.<sup>1</sup> Ўзбек шомонлари афсоналарини мазмунига кўра қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин: а) кишини шомонлик касбини қўлга киритишини изоҳловчи шомон афсоналари; б) шомон анжомлари (чилдирма, қамчи, тумор, пичоқ, китоб кабилар)нинг сакрал моҳиятини изоҳловчи шомон афсоналари; в) шомон ҳомийлари тўғрисидаги афсоналар; г) марҳум шомон руҳлари ҳақидаги афсоналар.

Туркий қавмлар қадимда шомонларни **қам**лар деб аташган.<sup>2</sup> “**Қам**” сўзи олтой туркийлари тилида этимологик маъносида ишлатилади. Рус тилидаги “**камлания**” феъли ҳам шу ўзак асосида шаклланган. **Қамламоқ** кишини руҳларга бўйсундириш ва улар билан мулоқотга киритиш маъносини англатади. Руҳлар билан мулоқотга кирган ва уларнинг ҳукмига бўйсунган киши қамланган, яъни шомонликни қабул қилган саналади. Ўзбек шомонлари фаолиятини амалга оширишда кўмак берувчи воситалар – буюмлар орасида “**қамчи**” предмети номини билдирувчи луғавий бирлик ҳам аслида “**қам**”, **яъни** шомоннинг бемор киши танасидан ёвуз руҳларни қувишда қўлланиладиган ёғоч даста учига чармдан тўқилган пилик ўрнатилган, уришга, қоқишга мўлжалланган буюми маъносидаги ўзак лексемага боғланади. Асли ўзаги “**қам**” (шомон) сўзига **-чи** ясовчи қўшимчасининг қўшилиши натижасида (**қам+чи=қамчи**) ҳосил бўлган ясама сўздир. Қозоқ фольклоршуноси С.Қондибайнинг ёзишича, қозоқ бахшилари қамчи билан кишининг сиртига қўнган дард-жинни қувади.<sup>3</sup> Демак, **қам** – соф туркий сўз бўлиб, руҳларга сиғинувчи, руҳлар билан мулоқотга киришувчи, руҳлар томонидан танланган шахс – шомон. Қамлар қадимги туркийларда эътиқодни тарғиб қилувчи, қабилани бошқарувчи илоҳий қудратли бошлиқ вазифасини ҳам бажарган.

Ўзбек тилида шомонлик касби билан шуғулланувчи кишилар бахши, қушноч, фолбин, бадикхон, кинначи, илгир, порхон (парихон), йўйимчи, қоқимчи, боқимчи ва бошқа атамалар билан юритилади. Булар орасида энг кўп ишлатиладиган “бахши” атамаси бўлиб, **боқмоқ**, **қарамоқ** сўзидан олинган, қаровчи маъносини англатади. А.Диваевнинг ёзишича, “бахши чигатой тилидан олинган бўлиб, **табиб**, **шомон**, **афсунгар** каби маъноларни

<sup>1</sup> Новик Е.С. Поэтика шаманских легенд (к вопросу о соотношении обряда и фольклора) // Эпическое творчество народов Сибири и Дальнего Востока. – Якутск, 1978. –С. 104–109.

<sup>2</sup> Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Т.2. – Тошкент: Фан, 1963. – Б.172.

<sup>3</sup> Қўндибай С. Қазак мифологиясына кіріспе. – Алматы, 2008. – С.38.

англатади. Қирғизларда бахши рухлар билан мулоқотга кирувчи, фол кўрувчи афсунгарга нисбатан кўлланилади”.<sup>1</sup> В.М.Жирмунский қадимда бахши сўзи эпос ижрочиси ва табиб, шомон маъноларида кўлланилгани, қирғиз манасчилари беморларни даволаш чоғида ҳам иштирок этганлигини қайд этади.<sup>2</sup> Шунингдек, фольклоршунос С.Рўзимбоевнинг ёзишича, “бахши атамаси халқ орасида афсунгарлик, фолбинлик қилувчи шахсга нисбатан ҳам ишлатилади. Ўтмишда бу икки вазифани ҳам бир киши бажарган бўлиши мумкин. Қозоқ ва қирғизларда ҳозирда ҳам бахши атамаси дуохон, фолбин маъносида ишлатилади”.<sup>3</sup> Ингёнг Онинг фикрича, эпоснинг тарихий асоси шомонийлик билан боғлиқ бўлиб, давлатчиликнинг вужудга келиши билан шомон мифологиясини ўзида акс эттирган архаик эпос ижрочилигининг ритуал аҳамияти сусайиб, эпик асарларни ижро этувчи куйчилар фаолиятининг кучайиши натижасида қахрамонлик эпоси юзага келган.<sup>4</sup>

Шунингдек, диссертацияда ўзбеклар орасида “қам” маъносини англатувчи шомон “қушноч”, “фолбин”, “порхон”, “кинначи”, “илгир”, “бадикхон” каби атамаларнинг этимологик талқини ва моҳияти таҳлил қилинган.

Диссертациянинг “**Ўзбек шомон маросимлари фольклори генезиси**” деб номланган иккинчи бобининг дастлабки фасли “**Шомон мифологиясининг ўзига хос хусусиятлари ва қадимий асослари**” тадқиқига бағишланган бўлиб, унда шомон мифологиясининг генезиси анимистик ва дуалистик тасаввурларга боғлиқлиги асосланган.

Шомон мифологияси рухлар оламининг мавжудлиги ва улардан мадад олиш орқали инсонларга таъсир ўтказиш билан боғлиқ ритуал амалиётни хаёлий уйдирмалар воситасида ифода этадиган эътиқодий инончлар тизими ҳисобланади. Шомонийлик эътиқоди Ўзбекистон ҳудудида яшаган қадимги аждодларимизнинг милоддан олдинги VII минг йилликларгача архаик қарашларининг таркибий қисми сифатида фаол амалда бўлган. Ўрта Осиёда оташпарастликнинг пайдо бўлиши эса шомонизмнинг сўниши ва зардуштийлик эътиқоди билан кўшилиб, синкретик табиат касб этишига олиб келган. Бир диннинг ўзидан олдинги эътиқодий қарашларни инкор этиш орқали ўзига сингдириб олишини шомонийликнинг ислом таълимотига мослашиб кетиши мисолида кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи орасидаги қайд этилган шомонийлик кўринишлари “исломлашган шомонизм” деб юритилади. Шомон мифологиясида ислом авлиёларининг ҳомий персонаж сифатида талқин этилиши ўлкамизга мусулмон дини кириб келганидан кейин маҳаллий культларнинг ислом мифологияси билан кўшилиб кетиши ва шомонийлик қолдиқларининг исломий моҳият касб этиши билан боғлиқдир.

---

<sup>1</sup> Диваев А. Баксы // Окраина. – Ташкент, 1894. – №20. – С. 180–181.

<sup>2</sup> Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос / Избранные труды. – Л.: Наука, 1974. – С. 29.

<sup>3</sup> Рўзимбоев С.Рўзиметов Ҳ. Фольклор атамалари қисқача луғати. – Урганч, 2007. – Б. 9.

<sup>4</sup> Ингёнг О. “Алпомиш” ва “Жумўнг” достонларининг қиёсий типологияси: Филол. фанлари доктори (DSc) дисс. автореф. – Тошкент, 2014. – Б. 21–22.

Шомон маросимлари фольклорининг мифологик асосларини аниқлашда тува, ёқут, шўр, хакас ва тоғли олтойлик шомонларнинг чилдирмалари ичига туширилган тасвирларни рамзий-семиотик жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Л.П.Потаповнинг фикрича, шомон чилдирмасида қарға, кузғун, чумчук, какку каби қушлар, осмон жисмлари (ой, қуёш), Чедиген (Катта айиқ юлдузи), сариқ отга минган одам (шомон кўрикчиси), етти кўк бўри, тўққиз қора ит, Аба исмли айиқ, илон, ёмғир чувалчанги, бақа каби жонзотлар ҳамда ҳомий-персонажларнинг антропоморф тасвири туширилгани қайд этилган<sup>1</sup>. Бу суратларнинг шомонлик этиқоди билан боғлиқлиги улардаги айиқ, бўри каби тотемистик культларнинг зооморф ифодаси ҳамда рақсга тушаётган одам тасвиридан ҳам кўриниб турибди.

Н.П.Диренкова томонидан тадқиқ этилган бир шомон ноғорасининг ўнг тарафида турли жониворлар, одам ва юлузлар, чап томонида эса одам бошидан чиққан чизикларнинг юлдузларга бориб туташиши акс этган. Кўкдан ўнг томондан қушга ўхшаш шакллар, қуйида дарахтлар, дарахтлар остида кўприк билан бирлаштирилган замин ва унинг пастида тўртбурчак ичида тик турган одам, унинг ўнг ёнида ётган одам, чап ёнида отга ўхшаш жонивор сурати тасвирланган.<sup>2</sup> Зеро, жониворлар телеут мифологиясида ҳомий руҳлар тимсоли бўлса, ён томонда тасвирланган антропоморф шакл юқори оламга сафар қилган шомон руҳининг тимсолидир. Чап томондаги одам бошидан чиққан чизикларнинг юлдузга бориб туташиши эса шомоннинг руҳлар олами билан мулоқотга киришини билдиради. Шомон чилдирмасининг ўнг томонида тасвирланган қушлар ёвуз руҳлар тимсоли, қуйида дарахтлар – ўсимлик культлари ифодасидир. Дарахтлар остидаги кўприксифат белги ўрта олам (замин) билан қуйи олам (ер ости)ни бирлаштириб турувчи восита бўлиб, шомон ўзининг рамзий-ритуал сафари давомида ана шу кўприк орқали “ўзга олам”га ўтади, деб тасаввур қилинган. Чунки қуйи олам ифодаси бўлган тўртбурчак ичида тик турган одам вафот этган майитни англатади. Н.П.Диренкова қуйи олам тасвирининг ўнг ёнидаги антропоморф шаклни яқинларидан норизо бўлган марҳум руҳи бўлса, унинг чап тарафидаги отга ўхшаш жонивор ана шу марҳум ҳақиқага қурбонлик қилинган жонивор тасвиридир, деган хулосага келади.<sup>1</sup>

Бизнинг фикримизча, телеут шомонининг кўхна чилдирмасида қадимги туркийларнинг олам тузилиши ҳақидаги космогоник мифологияси, руҳ ва унинг “ўзга олам”га сафари ҳақидаги анимистик қарашлари, шомон ҳомийлари ва уларнинг мададига эришишнинг рамзий усуллари тўғрисидаги манистик мифлар ўз ифодасини топган. Бу чилдирмада бирор аждоди шомон бўлиб ўтган шахсга марҳумлар руҳи дохил бўлганлиги ва у шомон касаллигига чалиниб, “ўзга олам” вакиллари билан рамзий мулоқотга киришганлиги ҳақидаги мифологик тасаввурлар акс этирилган.

---

<sup>1</sup> Потапов Л.П. Шаманский бубен качинцев / Материальная культура и мифология. – Л.: Наука, 1981. – С.134–135.

<sup>2</sup> Дыренкова Н.П. Материалы по шаманству у телеутов / Сборник музея антропологии и этнографии. Т.Х. – М.: Изд-во АН СССР, 1949. – С.107–190.

Қадимги туркийларнинг шомонистик мифологиясида айиқ, бўри каби жониворларга ҳомий руҳларнинг зооморф тимсоли сифатида алоҳида эътибор берилганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки тувалик шомонлар беморларни даволаш маросимида айиқ тимсолидаги аجدодлар ҳомийлигига суянган бўлишса,<sup>1</sup> тоғли олтойликлар мифологиясида айиқ овчи ва шомонларга мадад берувчи ҳомий руҳнинг жонивор кўринишидаги ифодаси сифатида улуғланган.<sup>2</sup> Бинобарин, Навоий вилоятидаги Сармишсой қояларига бронза даври одамлари томонидан туширилган ёввойи буқа (тур), айиқ ва бўри каби жониворлар, шунингдек, руҳлар билан мулоқотга қираётган шомон, қурбонлик маросими, муайян маросим рақсига тушаётган одам, турли ҳосилдорлик ва аждодлар культларига алоқадор мифик тимсоллар акс эттирилганлиги бу петроглифларда аждодларимизнинг шомонлик эътиқодига доир мифик қарашлари акс эттирилган, дейишга асос беради. Шунинг учун ҳам Сармишсой қоятошларидаги петроглифлар энг қадимги шомон мифологияси ҳақида маълумот берувчи муҳим манбалардан биридир.

Қадимги аждодларимизнинг шомонийлик билан боғлиқ мифологик тасаввурларининг вужудга келиши милоддан олдинги VII минг йилликларда яшаган аждодларимизнинг дуалистик қарашларига бориб тақалади. Шомон мифологияси руҳларнинг мавжудлиги ва улардан мадад олиш орқали муайян касалликларни даволаш амалиётини ўтказиш билан боғлиқ аниматик тасаввурлар, сўз “сеҳри” ва рамзий амалларнинг магик таъсирга ишониш, шомон руҳининг рамзий сафари бўлиб ўтадиган уч олам тўғрисидаги космогоник қарашлар ҳамда аждодлар культига топиниш ҳақидаги эътиқодий қарашлар мажмуидан иборат бўлган.

Бобнинг **“Ўзбек шомон маросими фольклорининг мифопоэтик таҳлили”** номли иккинчи фаслида бахши ва қушноч айтимларида мифик қарашларнинг акс этиши масаласи ўрганилган.

Анъанага кўра, бу типдаги маросимни ўтказиш учун тайёргарлик кўриш жараёни, хусусан, махсус ритуал таомлар (ширгуруч, ҳолвайтар, бўғирсоқ, ширинликлар)нинг дастурхонга қўйилиши, пилик ёки исчиروқларнинг ёкилиши, қушночнинг чилдирма чалиш асносида маросим айтимларини ижро этиши ва даврада иштирок этаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатлари театрлаштирилган ҳаётий сахна асари хусусиятига эга. Шомон маросимининг айни шу жиҳатларини ҳисобга олган Е.С.Новик уни халқ театрининг пайдо бўлишига асос бўлган манбалардан бири, деб баҳолаган.<sup>3</sup> Шомон маросимларида театрга хос барча компонентлар (ҳаётий сценарий, табиий сахна, маросим ашёлари (декорация), рамзий ролларни бажарувчи “актёр”лар – қушноч ва бемор, маросим иштирокчилари – томошабинлар) мавжуд. Бу типдаги маросимларда вербал компонент (қўшиқ ва айтимлар ижро этилиши), куч (чилдирма чалиниши) ва хореографик элементлар (бахши ёки

<sup>1</sup>Дьяконова В. Лечебной функции шаманов / Материальная культура и мифология. – Л.: Наука, 1981. – С.140–152; Радлов В.В. Образцы народной литературы тюркских племен. Ч. IX. – СПб., 1907. – С. 83.

<sup>2</sup>Потанин Г. П. Очерки Северо-Западной Монголии. Вып. IV. – СПб., 1883. – С.167–169.

<sup>3</sup>Новик Е.С. Камлания шамана как драматизированное описание вселенной / Сборник статей по вторичным моделирующим системам. – Тарту, 1973. – С.20–25.

кушночнинг ритуал рақсга тушиши) каби компонентларнинг мавжудлиги халқ театрининг илк асослари қадимги шомон ритуаллари негизида шаклланганлигини кўрсатади.

Ўзбек шомон маросими фольклорининг мазмунини ифодаловчи рамзий айтимларнинг ижро ўрни, услуби ва мифопоэтик хусусиятларини ёритиш мақсадида диссертацияда қуйи Зарафшон воҳаси бахши-шомонларининг “Сухлаш” маросими айтимлари таҳлил қилинган.

Бировнинг суқи кириб касал бўлган беморни даволаш мақсадида ўтказиладиган “Сухлаш” маросими учун йигирма бир дона чўп тайёрланади. Ҳар бир чўп бир пирга бағишланган. Чўп учига пахта ўралиб, ёққа ботирилади. Ёстиқ устига доира шаклида пахта эшилиб, лук чўплар қўйилиб, пахтадан тўрт бармоқ узунлигида етти дона чилчироқ (чилтон чироқ) тайёрланади. Кейин қирқ бир чилтонни чакириб, чироқлар ёқилади. Кейин бир товоқ сувга ариқ лойини қориб, кулга юмалатиб олинади. Катта товоқ ичига лой қўйилиб, чироқлар лойга қадалади. Ёстиқ устидаги доира шаклида қилинган пахталар ясси кўзача (ёки шиша банка) оғзига қўйилиб ёқилган чироқлар беморнинг бошига товоқ билан қўйилади ва устига кўзача қопланади. Кейин пичоқ билан кўзача усти ва товоқ четлари рамзий кесиш асносида қушноч қуйидаги айтимни ижро этади:

*Кўздан бўлса кесдим,  
Ҳасаддан бўлса кесдим,  
Хасдан бўлса кесдим,  
Жиндан бўлса кесдим,  
Етмиш икки томирда  
Бўлса кесдим.  
Қирқ бир чилтон, авлиёлар,  
Ғавсул аъзам бобожон,  
Момоларим ёрдам беринг, – дейди.*

Бу ҳолат беморнинг бошида, кўкрагида, қорнида, орқасида, белида тиззасида, оёқ учига такрорланади. Бу босқич тугагандан кейин бешта лук – чўпчироқ тутиб ёқилади. Беморнинг бошидан, икки қўлидан, икки оёғидан битта-битта айлантиради ва товоқдаги лойга тиқилади. Беморнинг оёқлари орасидан ёнган алас латта уч марта ўтказилиб, қуйидаги айтим айтилади:

*Шом учуги,  
Номозшом учуги,  
Хуфтон учуги,  
Шомдан бўлса кетсин!  
Хуфтондан бўлса кетсин!*

Шундан сўнг косага сув солиб, “кетсин-кетсин”, деб беморга ва уйга сепилади. Бемор бирор мевали дарахтни қучоқлаб: “Менинг оғирлигим сенга, сени енгиллигинг менга”, дейди.<sup>1</sup> Бу маросим айтими матнидаги “Шомдан бўлса кетсин, хуфтондан бўлса кетсин” ибораси ёвуз рухларнинг макони

---

<sup>1</sup> Диссертантнинг фольклор экспедицияси материаллари. Навоий вилояти. Ахборотчи: Шоира Ҳақбердиева, 35 ёшда, олий маълумотли. 2007 йилда ёзиб олинган.

коронғилик эканлигини англатади. Зеро, навоийлик Дилбар бахшидан ёзиб олинган маросим айтимидаги:

*Кундуздан келганларим,*

*Кундузига бор дейман,*

*Кечадан келганларим,*

*Кечасига кет дейман,* – мисраларида кеча ва кундуз тушунчаларининг параллел қўйилиши яхши ва ёмон рухларнинг фаоллашиш пайтини билдиради.

“Сухлаш” маросимида дарахтни кучоқлаш мотивининг тарихий асослари ҳам қадимги туркийларнинг шомон мифологиясига бориб тақалади. “Ёкут афсоналарида дарахт оламнинг муқаддас маркази сифатида қаралади. Улар кўпинча оқ қайинни муқаддаслаштириб, ернинг хўжайини бўлган рухлар макони, деб тасаввур қилганлар”.<sup>1</sup> Ёкут шомонлари тасаввурича, муқаддас рухлар кекса оқ қайинларда яшашади. Шунинг учун ҳар йили кўкламда ер руҳини шод этиш учун Айыы (оқ шомон) воситасида унинг ҳақиқа қурбонлик қиладилар. Ҳатто фарзандсизлар “Айыысыт тардар” маросими ўтказиб фарзанд тилаганлар.<sup>2</sup> Дарахт култи билан боғлиқ бундай мифик тасаввурлар эволюцияси натижасида ўзбек маросим фольклорида дарахтни кучоқлаш, кекса дарахтдан соғлиқ ва фарзанд тилаш, дарахт новдаларидан ёвуз рухларни ҳайдашда фойдаланиш удумлари ва турли магик айтимлар келиб чиққан.

Диссертациянинг “**Ўзбек шомон маросим фольклорининг таснифи**” номли учинчи бобининг илк фасли “**Шомон инициацияси билан боғлиқ маросим фольклори**” деб аталган.

Маълумки, фольклоршуносликда шомон маросимлари фольклори жанрлар таркибининг мукамал таснифи ҳалигача яратилмаган бўлса-да, С.Е.Малов, Е.С.Новик, А.Инон, В.Н.Басилов<sup>3</sup> каби олимларнинг ишларида бу тип фольклор асарларининг жанрий мансубияти хусусида муҳим илмий қайдлар мавжуд. Сўз магияси билан боғлиқ фольклор материалларини тадқиқ этган Б.Саримсоқов шомонийлик этиқоди билан боғлиқ ўзбек маросим фольклори жанрлар табиатини ҳамда ижрочилар шахсиятини этиборга олган ҳолда қуйидаги уч гуруҳга бўлган: 1. Ҳомий рухлар томонидан танланган иқтидорли шахслар ижро этувчи жанрлар: шомон айтимлари, кинна, бадик; 2. Алоҳида қобилияти учун ижрочи профессионаллар томонидан танланган шахслар ижро этувчи жанрлар: авраш, бурей-бурей; 3. Кенг оммавий ижро этилувчи жанрлар: олқиш, қарғиш<sup>4</sup>. Унинг фикрича, “биринчи гуруҳга мансуб жанрлар ижро ҳолатига кўра икки

---

<sup>1</sup> Боло С.И. Прошлое якутов до прихода русских на Лену (по преданиям якутов бывш. якут. округа). – Якутск: Нац. кн. изд-во «Бичик», 1994. – С. 211–212.

<sup>2</sup> Слепцов Е. П. Образ дерева в шаманстве якутов. Материал [www.ruthina.ru](http://www.ruthina.ru) сайтидан олинди.

<sup>3</sup> Малов С.Е. Шаманство у сартов Восточного Туркестана// <http://www.kunstkamera.ru>; Новик Е.С. Обряд и фольклор в Сибирском шаманизме. – М., 1984. – С.237; İnan Abdülkadır. Şamanizm: tarihte ve bugün. Materyaller ve araştırmalar. III.Baskı. – Ankara, 1986; Басилов В.Н. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1992. – С. 30–35.

<sup>4</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 170–171.

гуруҳга бўлинади: а) шомон чақириқлари ҳомий руҳларнинг олий босқичдаги танлашига учраган шахслар томонидан транс (экстаз) ҳолатда ижро этилади; б) кинна, бадик эса ҳомий руҳлар томонидан танланган, аммо транс ҳолатда эмас, балки тўла ҳушёр ҳолатда ижро этилади. Иккинчи гуруҳга мансуб жанрларнинг ижрочилари ҳомий руҳлар эмас, балки алоҳида қобилиятга эга бўлганликлари учун салаф профессионал ижрочилар томонидан танланиб, тарбияланадилар... Учинчи гуруҳга мансуб жанрларнинг ижрочилари тарихан профессионал характерга эга бўлсалар-да, бироқ кейинчалик бу профессионаллик оммавий ижро билан алмашинган”<sup>1</sup>. Хуллас, профессор Б.Саримсоқов шомон маросим фольклори жанрларини ижрочи шахсиятини ҳисобга олиш ва ижро ҳолатига кўра таснифлаш мезонини таклиф қилади.

Бизнингча, ўзбек шомон маросимлари фольклори асосий жанрлари таркибини аниқлаш ва муайян гуруҳда тартиблаштиришда маросимда ижро этиладиган вербал компонентларнинг мақсад ва моҳиятидан келиб чиқиб таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки шомон маросим фольклори материаллари мифологик ҳамда бадий-эстетик моҳият ҳам касб этади. Шомон айтимларининг семантикасида сўз магиясига ишонч акс этиши билан характерланади. Маросим жараёнида ижро этиладиган фольклор асарларини ҳаётий-маиший функциясидан келиб чиқиб қуйидача таснифлаш мумкин:

1) Шомон инициацияси билан боғлиқ маросим фольклори жанрлари (“супра ёйди”, “момо оши”, чилган оши маросимлари айтимлари – шомон йўқловлари, шомон чорловлари);

2) Касалликларни даволаш билан боғлиқ шомон маросими фольклори жанрлари (алас, боқим, кўчирик, қоқим, бадик, кинна, гулафшон);

3) Афсунгарлик ва фол очиш билан боғлиқ шомон маросими фольклори жанрлари (афсун, авраш).

Қуйи Зарафшон воҳаси бахши ва қушночларининг “қўл олиш”, яъни ҳомий-руҳлардан шомонлик касби билан шуғулланиш ижозатини олиш жараёни билан боғлиқ инициацион маросимларининг энг характерлиси “Супра янгилаш” деб юритилади. Бу маросим бахшининг “қўлини янгилаши” муносабати билан ўтказилади. Маросимга атаб сўйилган жонлиқнинг қони ерга томмаслиги, таомга аччиқ махсулотлар (пиёз қалампир, саримсоқ пиёз) солинмаслиги, “қўл олувчи” кишига сўйилган молнинг қалласи, жағи, тили ва ўнг оёғи берилиши ададига амал қилинади. “Қўл олиш” учун бемор маросимга атаб сўйилган жонлиқ қони билан “қонланади”. Яъни бахши:

*Изхўрларга из қўйди,  
Мойхўрларга мой берди.  
Манзилингни айтайин,  
Борар жойинг айтайин.  
Маконингни айтайин,  
Қонсираган қассобга бор,*

---

<sup>1</sup> Ўша асар. – Б. 71–72



*Бозордаги баққолга бор*, – деб қўл олувчининг баданига қон суртади. Беморни қонлаш жараёнида бахши ёвуз руҳларни ҳайдашда давом этади:

*Чангиб қолган чўлга бор,*

*Қуриб қолган кўлга бор.*

*Етти ойлик ойга бор,*

*Олти ойлик жойга бор.*

Шундан сўнг момолар супрани айлана бошлайдилар. Супра айланишда дастлаб етти, иккинчи мартасида беш, учинчи даврасида уч марта айланишади. Бунда айланиш сонини билдирувчи миқдор ифодаси магия рақамлар бўлиб, етти марта айланиш етти иқлимдаги руҳларни, беш марта айланиш мифологик ҳомийларни чақиришни аниқлаш, уч бор айланиш бемор, бахши ва унинг пири – устозига бағишланган рамзий ҳаракат ифодасидир. Бахши қўлидаги чилдирмасини чалиш асносида момоларга қараб қуйидаги айтимни ижро этади:

*Сариқиз момо, сардорим,*

*Эшигинга қул бўлдим.*

*Тузлигинга туз, момо,*

*Ботим-ботим жойларга*

*Ботмонлатиб олдим мен.*

*Мойиб бўлган жойларга*

*Мойлар бериб олдим мен.*

*Ё, Сариқиз момо, сардорим,*

*Ўзинг мадад бергин.*

*Ман сизиндим Сариқиз момомга*

*Оллоҳ ёрдам берсин бандамга*, – деб маросим якунида сўйилган жонлиқ гўштининг ўнг томон суяги мевали дарахт тагига, чап тараф суяклари эса култепага қўмилади.<sup>1</sup> Мифик тасаввурларга кўра, ёвуз руҳлар ташландиқ жойларда (қуриётган қўл, кимсасиз чўл, тўқайзор, хароба чордевор) истиқомат қиладилар. Бахши маросим чоғида ёвуз руҳларни етти ойлик жойдаги мифологик маконга йўллаши кузатилади. Сариқиз момо мифологик образ бўлиб, аксарият бахши-қушночлар репертуаридаги маросим айтимларида ҳомий персонаж сифатида тасвирланади.

Шунингдек, тадқиқотда бахши-қушночлардан ёзиб олинган чорлов, олқиш, йўқлов, терма жанрларига оид матнлар ҳам таҳлилга тортилган. Хусусан, “шомон термалари” “супра ёйди”, “кўчирик” маросимларида бахши ёки қушноч томонидан доира жўрлигида ижро қилинадиган шеърый айтимдир. Унда бахшининг шомонлик касбини эгаллаши сабаблари, бошидан ўтган кечинмалари, “шомонлик дарди”га чалинганлиги ва ҳомий руҳлар буйруғини бажариб шу касбни эгаллаганлиги баён қилинади. Бундай термалар тингловчиларни ишонтириш, уларда магия амалларга ишонч ҳиссини уйғотиш мақсадида ижро қилинади.

---

<sup>1</sup> Диссертантнинг фольклор экспедицияси материаллари. Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Севрни қишлоғи. Ахборотчи: Ойдин момо 70 ёшли, ўрта маълумотли. 2006 йил 4 ноябрь.

Диссертациянинг учинчи боби иккинчи фасли “**Касалликларни даволаш билан боғлиқ фольклор жанрлари**” деб номланади.

Ўзбек шомон маросимлари фольклорининг бевосита беморларни даволаш амалиёти билан боғлиқ жанрлари орасида киши баданига тошма тошишини ёвуз руҳлар таъсири деб талқин қилиш асосида ижро этиладиган “гулафшон” айтимлари муҳим ўрин тутади.<sup>1</sup> Тошмани ҳайдаш, яъни бошқа объектга кўчириш мақсадида айтиладиган “гулафшон” ижросида доира иштироки ҳар доим ҳам кузатилмайди. Ҳозирги пайтда ўзбек шомонлари гулафшон жанрини ижро этишда беморга тўрт метр чит мато ёпиб, бемор устидан буғдой қовурмочни сочиб, тол хивич ёки шомон камчиси билан беморни савалайдилар. Савалаш гулафшон айтими ритмига хос бир маромда бажарилади. Буғдой сочиш ҳар сафар шомон томонидан гулафшон матни айтиб тугатилгач, бемор устига сочилиб туради. Маросим тугагач, бемор устидан сочилган буғдой супурилиб олиб, товукқа берилади. 1957 йилда Музайяна Алавия томонидан чироқчилик Қирмиз момодан қуйидаги “гулафшон” ёзиб олинган:

*Гулафшоним ёр-ёр,  
Зарафшоним ёр-ёр.  
Гулафшон сувда ўтди,  
Зарафшон эчки минди.  
Гулафшон чиқарган  
Ҳар муродга жетди.  
Қовурмочим қовурдим,  
Қоврилиб кетгин, гулафшон.  
Шипиргини шипирдим,  
Шипирилиб кетгин, гулафшон.  
Бурда гўшинг қовурдим,  
Қоврилиб кетгин, гулафшон.  
Арпаларни сомонидай,  
Соврилиб кетгин, гулафшон.<sup>2</sup>*

Қирмиз момодан ёзиб олинган мазкур айтим матнидаги “Гулафшоннинг сув боғлаши”, “Зарафшон дарёсининг эчки миниши” касаллик белгиларини ифодалайди. Терида дастлаб гул ҳошияли қизариш, кейин сувли яра ва кўтир бўлиш кузатилган. Бу ўринда табуистик лексикага кўра баъзи касалликлар номини айнан айтмасдан метафорик луғавий бирликлар билан ифодалаш анъанаси ўз аксини топган.

Хатирчилик Жангил бахши Аҳмедовадан 2006 йилнинг апрель ойида биз томонимиздан ёзиб олинган гулафшон матнида «Гулафшон отингни қилдим, Гулафшон шартингни қилдим», «Қонсираган қассобга кўч», «Тазардаки<sup>3</sup> қамишга кўч» каби гулафшоннинг кўчиш манзили ҳам

---

<sup>1</sup> Ўраева Д. Гулафшон айтимларининг ижро ўрни ва бадий хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. – № 2. – Б. 42–45.

<sup>2</sup> ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв. №1315/П.

<sup>3</sup> Тазар – Хатирчи шевазида сизот сув учун махсус қазилган дренаж, катта ариқ.

кўрсатилиб, касаллик келтириб чиқарувчи деб тасаввур қилинган ёвуз кучлар бошқа манзилга йўлланади. Хатирчида истиқомат қилаётган Жангил бахши, Нозбуви бахши, Дилбар бахшилар репертуаридаги гулафшон жанрига мансуб матнлар таҳлили шуни кўрсатадики, гулафшон бахши талқинида жонли мавжудот, ёвуз руҳ сифатида тасаввур қилинади.

“Алас” шомон маросимлари фольклорининг алоҳида жанри бўлиб, беморнинг танасидан ёвуз руҳларни ҳайдашда олов айлантериш асносида ижро қилинадиган кўшиқдир. Бу жанрга мансуб айтимлар тоғли олтой қамларининг маросимий амалларида ижро этилиши Н.П.Диренкова томонидан қайд этилган.<sup>1</sup> Олтой шомонизмида ўт-эна (олов она) култи муҳим роль ўйнаганлиги туфайли қам маросим ўтказиладиган хонага аёл шаклидаги кўғирчоқ ўрнатиб, шунга қараб ўзининг ритуал айтимини ижро этади:

<p><i>Алас, алас, алас, алас, Ак Ўлғайниң от алас, Ўлғайн канның чын алас! Алты јакалу ақыр толу, Ақын көчон чақылып отур, Ај оңунча нурулы отур!</i><sup>2</sup></p>	<p><i>Алас, алас, алас, алас, Оқ Ўлгеннинг ўт алас, Ўлген ҳоқонинг чин алас! Олти ёқали оқ тол, Оқ ва кўк чақнаб турар, Ой ўнгангунча бурилиб ўтар!</i></p>
---	---

Ўзбек шомон маросими фольклоридаги “алас” жанри ҳудудий-локал белгиларига кўра ўзига хослик касб этади. Масалан, Хатирчи туманида яшовчи 65 яшар қора кушнот Пўлатова Рисолат момодан ёзиб олинган алас айтимида дастлаб ёвуз руҳлар тавсифини келтириб, улардан беморга зиён етказмаслик сўраб илтижо қилинади:

*Гул тагида турганларим,  
Гулдан тоза қилинлар,  
Қўй пўстини кийганларим,  
Тан пўстимга кирганларим,  
Қир танадан энганларим,  
Тоғу тошга борганларим,  
Маржон машоғ терганларим,  
Ман сизлардан айланайин.*

Шундан кейин кушнот чўп бошига ўралган мойли – ёғланган латтани ёқиб, беморнинг бошидан, оёқлари орасидан айлантира бошлайди ва айна шу жараёнда алас айтилади;

*Алас, алас, алас,  
Ҳамма нарсадан халос.  
Алас, алас, алас,  
Ҳамма нарсадан халос.*

<sup>1</sup> Дыренкова Н.П. Пережитки идеологии материнского рода у алтайских тюрков / Сборник музея антропологии и этнографии. Т.IX. – М.-Л., 1948. – С.123–145,

<sup>2</sup> Дыренкова Н.П. Материалы по шаманство телеутов / Сборник музея антропологии и этнографии. Т.X. – М., 1949. – С.123.

*Алас, алас, алас,*

*Ҳамма нарсадан халос,* – деб аёлнинг бошидан яна чироқни уч марта чапдан ўнгга қараб айлантиради. Кейин аёлнинг оёқлари орасидан олов айлантрилиб, ерга қўйилгач, устига исириқ ташланади<sup>1</sup>.

Алас айтимида ҳомий руҳларни алқаш, мақташ, уларнинг яхши сифатларини келтириб, уларга сиғинишнинг ифодаланиши туркий халқлар шомон қўшиқлари учун муштараклик касб этади. Бу маросим айтимлари сўз магияси ва олов культига ишониш анъанаси асосида келиб чиққан.

Шунингдек, ушбу фаслда шомон маросими фольклорининг бадик, кинна каби жанрларига оид бадиий матнлар ҳам таҳлилга тортилган.

Тадқиқотнинг учинчи боби учинчи фасли “**Афсун-аврашлар – маросим фольклори намунаси сифатида**” деб номланди. Шомонийликда сўзнинг илоҳий қудратига асосланган кишиларни ёвузликдан, бало-қазодан асрашга хизмат қилишига ишонтирувчи оғзаки айтимлар афсунлардир. “Афсун” форсча сўз бўлиб, *жоду* деган маънони англатади<sup>2</sup>. Фольклоршунос олима С.Мирзаева тўғри таъкидлаганидек, “Афсун-дуолар халқ рухий муолажасининг бир кўриниши бўлиб, улар ўз мазмуни, оҳанги ва ижроси билан кишиларни у ёки бу бахтсизликдан, хасталик ёки фалокатдан сақлаб қолишга йўналтирилган. Шунинг учун ҳам афсун-дуолар кишиларнинг кўнгил ёзиш истаклари туғилган пайтларда эмас, балки ҳаётининг эҳтиёж туғилган пайтларидагина ижро этилади. Афсун-дуоларга юксак бадиийлик талабларини қўйиб бўлмайди, чунки уларда бадиийлик иккинчи ўринда туради. Хуллас: маиший (утилитар) вазифа бажариш халқ афсун-дуоларига хос етакчи вазифа саналади”<sup>3</sup>.

Бу жанрдаги айтимлар баъзан шеърининг, баъзан насрий кўринишда бўлиши мумкин. Афсунлар халқ орасида **дуо** деб ҳам юритилади. Афсунлар янги ойни кўрганда, уйкуга ётишдан олдин, илон, чаён ёки қорақурт чаққанда, кўз текканда, кишининг бирор жойи оғриганда ижро қилинади. Шомонийлик эътиқодида қоронғилик ёвуз кучларнинг ҳаракатланганидан замон сифатида талқин этилади. Ой унинг ёруғлиги шомоннинг ҳомий руҳлари билан мулоқот қилишида қулай саналганлиги учун шомон айтимларида ойга мурожаат алоҳида аҳамиятга эга. Бундан ташқари, Хатирчилик шомон Т.Мирзаева фол кўришда ойга, сувга ва мижознинг кафтига қараб уч унсур бирлигида башорат қилишини айтганди.<sup>4</sup> Хатирчилик шомонлар янги ойни кўрганда:

*Ойни кўрдим омонлик,*

*Кўрмагайлик ёмонлик,*

*Яхшига ёндоштира,*

*Ёмондан адаштира.*

<sup>1</sup> Диссертантнинг фольклор экспедицияси материаллари. Навоий вилояти, Хатирчи тумани. Ахборотчи қора кушноч 65 ёшли Пўлатова Рисолат момо. 2006 йилда ёзиб олинган.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: 1981. – Б. 63.

<sup>3</sup> Мирзаева С. Ўзбек халқ афсун-дуоларининг жанр хусусиятлари ва бадиияти. – Тошкент, 2005. – Б. 12.

<sup>4</sup> Диссертантнинг фольклор экспедицияси материаллари. Хатирчи тумани, Жалойир қишлоғи. Ахборотчи: бахши Тўлғаной Мирзаева. 1996 йилда ёзиб олинган.

*Янги ой, янги кунларга*

*Ўйнаб кулиб етайлик,*

*Омин. Суф-суф-суф-суф!*<sup>1</sup> – деб афсун айтиб ва чор тарафига дам урса, кейинги ойгача бало-қазодан омон, ёмон кишилардан йироқ, яхши одамларга йўлдош бўлишига ишонадилар. Шунингдек, иши юришмаган, босинқираб чиқадиган кишиларга ҳам афсун айтиб, уларнинг мушкулларини осонлаштириш ҳоллари кузатилади. Жизмонсойлик Ю.Хасановнинг маълумот беришича, унинг отаси уста Амир бобо босинқираган кишиларга куйидаги айтими айтиб дам урар экан:

*Ё, Ёв пари, омонлиқ,*

*Сен қилмагин ёмонлиқ.*

*Уйидан, жойидан,*

*Боболарим ҳаққи, ўйнаб чиқ!*

*Суф, суф, суф!*<sup>2</sup>

Қизилтепалик Саломат момо Таниқуловадан биз томонимиздан ёзиб олинган қулоқ оғриганда айтиладиган афсун матни куйидагича:

*Қулоқ, қулоқ, қулоқ,*

*Қулоқлардан ўткан булоқ.*

*Тоғлардаги тошларга бор,*

*Чўлдаги чўпонга бор,*

*Маъраётган қўйларга бор,*

*Суф-суф-суф, кет!* – деб қулоғи оғриган кишининг қулоқлари силаниб, дам урилади.<sup>3</sup>

Ўзбек шомон маросим фольклори айтимилари эзгу ва ёвуз рухларнинг мавжудлиги тўғрисидаги анимистик тасаввурлар асосида шаклланган магия маросимларнинг вербал компоненти сифатида анъанавийлашган.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Ўзбек шомон маросим фольклори поэтикаси**” деб номланган бўлиб, унинг илк фасли “**Шомон маросими фольклорида мифологик образлар**” тадқиқига бағишланган.

Маълумки, туркий тиллар мифологик лексикасида “оталар” мифологик ҳомий сифатида талқин этилган.<sup>4</sup> Шомоннинг мифологик ҳомийси сифатида аجدодлар руҳига эътиқод қилиш тоғли олтойликлар фольклорида ҳам учрайди. Н.Р.Ойноткинованинг қайд этишича, маросим жараёнида марҳумлар руҳи билан алоқа ўрнатиш орқали тириклар учун имконсиз неъматларни қўлга киритиш шомон чорловларининг прагматик мақсадини ташкил этади.<sup>5</sup> А.В.Анохин томонидан ёзиб олинган шомон чорловида Оқ

<sup>1</sup> Диссертантнинг фольклор экспедицияси материаллари. Хатирчи тумани. Ахборотчи: Жангил бахши Ахмедова, 71 ёш. 2010 йилда ёзиб олинган.

<sup>2</sup> Диссертантнинг фольклор экспедицияси материаллари. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани, Жизмонсой қишлоғи. Ахборотчи: 35 ёшли ўрта маълумотли Юсуф Хасанов. 2002 йилда ёзиб олинган.

<sup>3</sup> Диссертантнинг фольклор экспедицияси материаллари. Навоий вилояти Қизилтепа тумани, Ғардиён қишлоғи. Ахборотчи: Саломат момо Таниқулова, 64 ёшда. 2007 йилда ёзиб олинган.

<sup>4</sup> Хисамитдинова Ф.Г. Термины со значениями «мать» и «отец» в мифологической лексике тюркских языков / Актуальные вопросы тюркологических исследований. – СПб, 2017. – С. 90–98.

<sup>5</sup> Ойноткинова Н.Р. Поэтика шомонских призываний алтайцев / Материал [journals.tsu.ru](http://journals.tsu.ru) сайтидан олинди.

ота, Абу Каан сингари мифологик ҳомийлар номи қайд этилганлиги <sup>1</sup> ҳам шомоннинг мифологик ҳомийси сифатида ота-боболар культига эътиқод қилиш қадимги туркий қавмларга хос анъана бўлиб, тарихий-фольклорий жараён ривожи давомида ўзбек халқ ижодида ҳам ўз ифодасини топганлигини кўрсатади.

Ўзбек шомон маросимлари фольклорида кенг қўлланиладиган мифологик ҳомий образлар ўз моҳиятига кўра икки асосий гуруҳга бўлинади. 1) Аждодлар култи билан боғлиқ манистик мифлар эволюцияси негизда шаклланган *боболар* образи; 2). Момолар культига ишониш асосида шаклланган ҳомий персонажлар; 3) Эзгу ҳомий сифатида тасаввур қилинадиган *парилар* образи.

Ўзбек халқ афсоналарида боболар бўлажак бахши ёки қушнот “шомон касаллиги”га дучор бўлишидан дохил бўлиб, шомонликни ўз зиммасига олишга ундайди. Бу мифологик персонажлар дуалистик табиатга эга бўлиб, дастлаб бўлғуси бахшини муайян синовдан ўтказгач, унга ҳомийлик вазифасини бажаришга киришадилар. Аждодлар руҳининг ғайриоддий йўсинда мадад беришига ишонч-эътиқод асосида шаклланган “боболар” образи шомон маросими айтимлари контекстида “ота” ёки “бобо” сўзини муайян мифологик персонаж ёки мўътабарлаштирилган тарихий шахс исмига қўшиш воситасида ишлатилади.

Ўзбек шомон йўқловлари ва чорловларида боболарнинг ташқи қиёфаси оқ либосли, оппоқ соқолли, юзларидан нур ёғилиб турадиган нуруний чол қиёфасида намоён бўлади. Боболар образининг бундай бадий талқини оқ рангнинг қадимги туркий мифологияда эзгулик тимсолини англатиши билан боғлиқдир. “Боболар” образи хавфдан огоҳлантирувчи, ҳалокатдан асровчи ва хавф-хатар манбаини кўрсатувчи мифологик тимсол, кишини дарддан халос қилувчи ва ёвуз руҳлардан асровчи эзгу ҳомий вазифасини бажаради.

Ўзбек шомонлари репертуаридан кенг ўрин олган шомон чорловлари, шомон йўқловлари ва кўчириқ жанрлари матнида шомоннинг ҳомийси сифатида талқин қилинадиган момолар культига дахлдор образлар, айниқса, архаик мифологиядаги муқаддас она тимсолини ўзида мужассамлаштирган Анбар онадан мадад сўраш мотиви етакчилик қилади. У бахши ёки қушнотга магик куч бағишловчи эзгу ҳомий вазифасини адо этади.

Хатирчи туманидаги Жалойир қишлоғида яшовчи 41 ёшли Нозибуви бахшидан ёзиб олинган шомон чорловида Қамбар она образи мавжуд:

*Она бўлиб келганлар,  
Чодир чиммат тутганлар,  
Қирқ бир чироқ берганлар  
Қирқ бир чилтонга сизиндим.  
Қамбар онам, Амбар онам,  
Мен сизларга сизиндим.<sup>2</sup>*

<sup>1</sup> Анохин А.В. Материалы по шаманству у алтайцев. – Л., 1924.–С.68.

<sup>2</sup> Диссертантнинг фольклор экспедицияси материаллари. 2004 йил.

«Қамбар» номи ёмғир тилаш маросимида айтиладиган “*Қамбар, Қамбар сув бергин, сигирларга сут бергин*”<sup>1</sup> айтимида ҳам учраши бу персонаж Ўрта Осиё халқлари мифологиясидаги серҳосиллик култига алоқадор қарашларни ўзида акс эттиришини кўрсатади.

Тўртинчи бобнинг иккинчи фасли “**Пари образининг шомон ҳомийси сифатидаги талқини**” масаласини ўрганишга бағишланган.

Ўзбек мифологиясида бахши, қушночларнинг ҳомийларидан бири ҳисобланган пари ҳақидаги халқ қарашларига доир материалларни ўрганиш шундан далолат берадики, парилар тўрт хил қиёфада тасаввур этилар экан: а) антропоморф, яъни инсоний қиёфада тасаввур қилинган парилар; б) зооморф, яъни ҳайвоний қиёфада тасаввур қилинган парилар; в) қурама, яъни ярим инсон, ярим жонивор тарзидаги гибрид кўринишда тасаввур қилинадиган парилар; г) тимсолий қиёфа, яъни нарса-ходисалар тарзида тасаввур қилинган парилар.

Инсоний қиёфа – париларнинг асосий шакли шамойили. Бу кўринишдаги парилар образининг бош белгиси ҳаддан зиёд гўзалликдир. Одатда, бундай парилар ниҳоятда сулув, ойдайд гўзал қизлар ёки баркамол йигитлар тарзида, баъзи ўринларда хунук занги қиёфасида ҳам тасаввур қилинади. Хоразмликларнинг исломдан бурунги мифик қарашларини ўрганган этнограф Г.П.Снесарев ҳам парилар асосан антропоморф кўринишда, яъни чиройли йигит-қизлар сифатида тасаввур қилинса-да, баъзан жонивор, қуш, олов тарзида ҳам кўриниши мумкин, дейди<sup>2</sup>. Эртақларда париларнинг бир думалаб қаптарга айланиши, турли хил жониворлар ёки қушлар қиёфасига кириши тасвирланган.

Халқ қарашларига кўра, пари кўпинча кўк қаптар бўлиб учиб юради. Парилар Кўҳи Қоф ва Боғи Эрамдан инсон яшайдиган манзилга келиш ёки бир эпик макондан бошқасига кўчиш мақсадида ўз шаклини ўзгартириб, қаптарга эврилар экан. Бу ўринда зооморф ёки ҳайвоний қиёфа пари учун эпик маконни ўзгартириш воситасини бажаради. Чироқчилик шомон Аширой Рўзиева париларини чақираётганда Қоф тоғида кўк қаптар бўлиб келадиган париларига шундай мурожаат қилади:

*Кўҳи Қофдан энганлар,  
Кўк қаптар бўй юрганлар,  
Кўк ҳавога учганлар,  
Хиромон пари, энинглар,  
Мисқол пари, энинглар*<sup>3</sup>.

Шомон маросими айтимида “кўк қаптар бўлиб юрган” парилар эпик номлар билан аталиши бежиз эмас. Чунки Кўҳи Қоф париларининг кўк қаптарга айланиб учиб юриши ўзбек халқ дostonларига хос эпик анъанадир.

---

<sup>1</sup> Пещерева Е.М. Некоторые игры среди оседлого населения Туркестана / Бюллетень САГУ. – Ташкент, 1925. Вып.11. – С. 91.

<sup>2</sup> Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С. 28.

<sup>3</sup> ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1315/1. –Б.89.

Ўзбек шомон маросими айтимларида тасвирланган париларнинг бир тоифаси Олов пари, Оташ пари сингари номлар билан аталган. Бу образнинг генезиси қадимги туркий мифология билан боғлиқдир. Чунки тоғли олтойликлар оила ўчоғини муқаддас ҳисоблайдилар ва унга “от энэ”, яъни “ўт эна” деб мурожаат қиладилар. Ўчоқ оила баракаси, омонлиги манбаи ҳисобланган, унинг ҳақиқа қурбонлик қилинган, оила ўчоғининг олови (чўғи)ни бегона кишига бериш мумкин бўлмаган.<sup>1</sup> Ўйлашимизча, қабила оловини сақловчи “ўт эгаси” ҳақидаги қарашлар ибтидоий мифологияда “ўт эна” (яъни “олов аёл”) сифатида тасаввур қилинган олов инончининг туғилишига асос бўлган. Бу мифологик тасаввурлар эволюцияси натижасида “ўт эна” образининг талқинлари кейинчалик пари сиймосига кўчирилган.

Шомон маросими айтимларида пари образи халқ орасида гоҳида ҳомий сифатида, баъзан эса зиён келтирувчи ёвуз куч тарзида тасаввур қилинади. Дуалистик қараш таъсирида юзага келган бу мифик тасаввурлар Суксур пари образида ҳам ўз ифодасини топган. Нуроталик Очил қушноч Абдуллаевдан Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиб олган матнда сув париси номи тилга олинган: “Сув бўйида Суксур пари, қўлласин-да, худойим”<sup>2</sup> Суксур пари сув париларининг етакчиси ёки кучли магик хусусиятга эга бўлган ҳомийларидан бири бўлганлиги матнда ўз аксини топган. Маросим айтимлари матнида Симиён, Симин боғ каби атамалар ҳам кўп учрайди. Хоразмликлар орасида Симиён пари ҳақида мифик тасаввурлар мавжудлиги Г.П.Снесарев томонидан қайд қилинган<sup>3</sup>. Қори Қулмурод Садриевдан этнограф олим О.Муродов ёзиб олиб нашр эттирган ўзбекча қушноч айтими матнининг анъанавий “бисмилло”дан кейинги дастлабки мисрасида Симин боғ номи афсонавий жой тилга олинган: “Симин боққа юрган париларнинг тили билан сиздан мадад тиларман!”<sup>4</sup>

Симин боғ – сув остида жойлашган деб тасаввур қилинган афсонавий гўша, сув парилари дам оладиган жойдир. Симиён пари ана шу боғ соҳибасидир. Чунки чироқчилик қушноч Аширой Рўзиевдан 1957 йилда Музайяна Алавия ёзиб олган парихонлик маросими айтимидаги куйидаги мисралар шундай хулоса чиқаришга имкон беради. Қушноч айтимининг “Кўч-кўч” қисмида:

*Симён бўлсанг сувларга,*

*Арвоҳ бўлсанг гўрларга,*

*Ҳайда, бадбахт, ўйнаб кўч!* – деб ёвуз руҳлар хайдалади.

Башарти, Симиённинг “кўчиш жойи” сувлик манзил деб қаралар экан, бу ўринда сув остида яшовчи ёвуз куч, яъни касалликка сабаб бўлувчи сифатида тасаввур қилинган Симиён пари назарда тутилаётганини англаш қийин эмас. Баъзи шомонларнинг айтимларида сув бўйи, сув манбалари,

---

<sup>1</sup> Дыренкова Н.П. Культ огня у алтайцев и телеут / Сборник музея археологии и этнографии. Т.4. – Л., 1927. – С. 63–64, 66–71.

<sup>2</sup> ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти фольклор архиви. Инв.№ 1443/Х.

<sup>3</sup> Снесарев Г.П. Реликты ... – С. 29.

<sup>4</sup> Муродов О. Шаманский обрядовый фольклор у таджиков средней части долины Зерафшан / Домусульманские верования и обряды в Седней Азии. – М., 1976. – С. 101.



умуман сув стихияси билан алоқадор пари сифатида Сулаймон пари образи ҳам қўлланилади. Чироқчилик Аширой Рўзиева чилдирмани айлантириб чалар экан, момо, пари ва пирларини чақирганда Сулаймон пари номини ҳам тилга олади:

*Сув бўйида ўтириб,  
Сувни равон айладинг,  
Сулаймон пари, энинглар!*<sup>1</sup>

Сулаймон парининг сув билан алоқадорлиги ҳам мифологик қарашлар тизимида анъанавийлашган ҳолатлардан бири бўлиб, О.А.Сухареванинг таъбирича, фонетик муқобиллик, яъни аллитерация қонунига дахлдор эмас. Чунки халқ қарашларида Сулаймон алайҳиссалом образи кўпинча сув стихияси билан боғлаб талқин қилинади. Ҳатто ўзбек топишмоқларидан бирида “Сувда Сулаймонни кўрдим” (балиқ) мисраси мавжуд. Сулаймон алайҳиссаломнинг шоҳона тахти сув устида турган эмиш. Бу мифологик қараш қозоқлар фольклорида ҳам қайд қилинган<sup>2</sup>. Сув парилари ўзбек шомонлари билан доимий ритуал мулоқотда бўлиб турадиган ҳомий рухлар тоифасига мансуб мифологик образлар сирасига киради.

Ушбу бобнинг “**Шомон маросими фольклорининг бадиияти**” номли учинчи фаслида ўзбек шомон маросими айтимларининг бадиий хусусиятлари, матн семантикаси ва ўзига хос сакрал моҳият касб этувчи луғавий бирликлар моҳияти ёритилган.

Шомон маросими поэтик фольклорининг бадииятини белгиловчи етакчи хоссалардан бири оҳангдорлик.<sup>3</sup> Оҳанг устунлиги кўшиқ матнида оҳангдошлик, яъни қофиянинг майдонга келишига сабаб бўлади. Бироқ, шомон айтимларида оҳангдорликнинг турғун ҳолатда бўлиши кузатилмайди. Қофиянинг бетартиб қўлланиши ва турли ўринларда келиши ҳам ягона шеърӣ тизим мавжуд эмаслигини кўрсатади:

*Чодир чиммат тутганлар,  
Чор томондан келганлар,  
Қирқ бир чироқ берганлар,  
Рухиятлар султони-яй,  
Мен сизларга сизиндим.*<sup>4</sup>

Банд давомида қофия сатр охирига кўчади. Қофияда замон ва кўплик кўшимчаси орқали оҳангдошлик ташкил этилиши шеър илмида қофия хатоси саналади ва **ийто** деб аталади<sup>5</sup>. Шомон кўшиқларида **ийто** кўп учрайдиган ҳолат.

*Қирқ бир чироқ жоқтилар,*

<sup>1</sup> ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1315/І. 85-бет.

<sup>2</sup> Сухарева О.А. Пережитки демологии и шаманства у равненных таджиков / Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М., 1976. – С. 47.

<sup>3</sup> Ражабов Д. Ўзбек халқ кўшиқлари тузилиши: композиция ва образлилик: Филол. фан. доктори (DsC) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019. – Б.51.

<sup>4</sup> Диссертантнинг фольклор экспедицияси материаллари. Хатирчи тумани, Жалойир кишлоғи. 41 ёшли Нозибуви бахшидан 2004 йил ёзиб олинган.

<sup>5</sup> Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент, 1999. – Б. 236.

*Бўйнига тасма солдилар.*

*Мерос қўлин олдилар.*

Бандда қўлланилган **жоктилар, солдилар, олдилар** сўзлари қофия вазифасини бажарган бўлса-да, сўзлар таркибидаги **-оқти, -олди** кабилар оҳангдошлик учун номутаносиб бўлиб, **икво** юз берганини кўриш мумкин. Бундан ташқари, шомон қўшиқлари матнида қофия ўрни алмашиш ҳолатлари кўзга ташланади. Аммо қўшиқнинг мазмунига путур етмайди.

Оҳангдорлик комплексида оҳангдошликни ташкил этувчи товушлар уйғунлашуви, ритмик ҳолатда кетма-кет такрорланиши оҳангдош сўзларни майдонга чиқаради. Бу эса, шомоннинг доимий равишдаги ҳозиржавоблиги, топағонлиги ва бадий маҳоратидан далолат беради. Оҳангдорлик комплекси шомон қўшиғининг магик моҳиятини кучайтирувчи психологик восита ҳамдир. Оҳангдош сўзларнинг ноодатий кетма-кетликда ритм ва тактларда ифодаланиши тингловчида сўзнинг сеҳрига ишонч хиссини оширишга хизмат қилади. Шомон амалиётида шомоннинг асосий вазифаси руҳларни чорлаш, улар воситасида беморнинг руҳиятига таъсир ўтказишдан иборатлиги учун ҳам шомон қўшиқлари пафоси тингловчининг руҳини жунбишга келтирадиган даражада юқори бўлади. Шомонларнинг моҳир артист, ажойиб сўз устаси, хушовоз хонанда бўлишини фольклоршунос А.Мусақулов ҳам қайд этган эди.<sup>1</sup>

Шомон маросими қўшиқларида мисралардаги бўғинлар сони ҳам ўзига хосликка эга. Нозибуви бахшидан ёзиб олинган маросим қўшиғидаги мисраларни 7 бўғинли шеър тузилишига эга:

*Етмиш икки парилар=7*

*Ҳар қайсиси ҳар ишда=7*

*Етти пари оналар=7*

*Мен сизларга сизиндим=7*

*Сариқ пари оналар=7*

*Йўлим сариқ қилинлар=7*

*Юзим сариқ қилинлар=7*

Мисралардаги бўғинлар сонининг еттита бўлиши Сибирь туркийларининг шомонистик айтимларига ҳам хос хусусият бўлиб, унинг энг ёрқин мисоли телеут фольклорида қайд этилган.<sup>2</sup>

Диссертацияда ўзбек шомон маросими фольклорида қўлланилган поэтик рамз, ўхшатиш, сифатлаш, аллитерация каби бадий воситаларнинг ўзига хос талқинлари ҳам тадқиқ этилган.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Сўз магиясига ишонч асосига қурилган маросимий амалларни бажариш жараёнида ижро этиладиган қўшиқ, айтим ва ритуал аломатлар шомон маросимлари фольклорини ташкил этади. Ўзбек халқ оғзаки поэтик

<sup>1</sup> Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 79.

<sup>2</sup> Дыренкова Н.П. Материалы по шаманству у телеутов / Сборник музея антропологии и этнографии. Т. X. – М., 1949. – С. 116.

ижодининг бу тизими бадий матнларнинг шомонийлик этикоди билан йўғрилганлиги, бевосита маросим жараёнида кўпинча мусиқа (доира) жўрлигида ижро этилиши ва қамчи билан савалаш, олов айлантириш каби магик ритуаллар билан боғлиқлиги, маросим айтимларининг махсус тайёргарликка эга бўлган фольклор ижрочилари – бахши, қушноч, кинначи, парихон (порхон), бадикхон, йўйимчи, илгир тарафидан айтилиши, маросимнинг вербал компоненти сакрал моҳият касб этиши билан ўзига хослик касб этади.

